

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
КАФЕДРАСИ**

Бўриева Мохинур Шавкатовна

**ИНТЕРВЬЮ ОЛИШДА ЖУРНАЛИСТ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА
МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ**

**мавзусида 5220100 – журналистика (халқаро журналистика) йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

_____ Халқаро журналистика
назарияси ва амалиёти кафедраси
мудираси ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова

2015 йил “29” май

ИЛМИЙ РАҲБАР:

_____ ф.ф.н., доц.
Н.Тошпўлатова

2015 йил “29” май

Тошкент – 2015

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ **А. Нурматов**

Кафедра мудири: _____ **Н. Тошпўлатова**

Илмий раҳбар: _____ **Н. Тошпўлатова**

Расмий тақризчи: _____ **А. Умирова**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: Интервью олишда журналист психологияси ва маҳорат
масалалари**

**ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси Бўриева Мохинур Шавкатовнанинг
битирув малакавий иши**

“_____” га баҳолансин.

“_____” _____ 2015 йил

ДАК раиси:

В.Луқмонов

ДАК котибаси:

Д.Файзиева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: Халқаро журналистика

Кафедра: Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти

Таълим йўналиши: Журналистика (халқаро журналистика)

“Тасдиқлайман”

Халқаро журналистика назарияси ва
амалиёти кафедраси мудираси ф.ф.н.,
доц. Н.Тошпўлатова
_____ “___” май 2015 й.

Битирув малакавий ишни бажаришга

ТОПШИРИҚ

Бўриева Моҳинур Шавкатовна

1. БМИ мавзуси: “Интервью олишда журналист психологияси ва маҳорат масалалари”

2. БМИ мавзуси университетнинг 2014 йил 31 декабрь 267/б-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. Тугалланган ишни топшириш муддати: 2015 йил “16” май

4. Битирув малакавий ишни ёзиш бўйича кўрсатма:

а) ишнинг бошланғич маълумотлари: меъёрий хужжатлар, Президент асарлари, мавзуга тегишли илмий-услубий ва назарий манбалар, электрон нашр нусхалари;

б) иш таркиби: кириш, 2 боб, 6 фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

в) ишнинг умумий ҳажми: _____ бет

г) ишнинг иловаси: тадқиқот бўйича чоп этилган мақолаларнинг нусхаси;

д) ишни ёзиш режа-жадвалини 2015 йил “15” майгача тақдим этиш;

е) ишни меъёрий талабларга мувофиқ расмийлаштириш 2015 йил “_____” май.

5. Топшириқ берилган кун: 10.10.2014

Илмий раҳбар:

ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова

Битирувчи:

М.Бўриева

Битирув малакавий ишини бажаришга маслаҳатлар:

№	БМИ боб ва бўлимларининг номлари	Илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш	Топширик берилган сана, имзо	
			Топширик берди	Топширик олди
I.	КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНТЕРВЬЮНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	10.10.2014	10.10.2014
1.1	Интервью оммавий мулоқотнинг кўриниши сифатида	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	10.10.2014	10.10.2014
1.2	Интервью – ахборот жанри сифатида	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	10.10.2014	10.10.2014
1.3	Интервьюга тайёрланиш технологиялари	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	10.10.2014	10.10.2014
II.	ИНТЕРВЬЮ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ ПОЗИЦИЯСИ	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	10.10.2014	10.10.2014
2.1	Интервью олишнинг психологик мақсади	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	20.01.2015	20.01.2015
2.2	Журналистнинг бошловчилик роли	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	20.01.2015	20.01.2015
2.3	Интервьюда журналист позицияси	ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова	20.01.2015	20.01.2015

Битирув малакавий ишни бажариш жадвали:

№	БМИ боб ва бўлимларининг номлари	Бажариш муддати	Бажарилганлиги хақида илмий
---	----------------------------------	-----------------	-----------------------------

			рахбар имзоси
I.	КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНТЕРВЬЮНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	17.01.2015	
1.1	Интервью оммавий мулоқотнинг кўриниши сифатида	17.01.2015	
1.2	Интервью – ахборот жанри сифатида	17.01.2015	
1.3	Интервьюга тайёрланиш технологиялари	17.01.2015	
II.	ИНТЕРВЬЮ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ ПОЗИЦИЯСИ	17.01.2015	
2.1	Интервью олишнинг психологик мақсади	14.04.2015	
2.2	Журналистнинг бошловчилик роли	14.04.2015	
2.3	Интервьюда журналист позицияси	14.04.2015	

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Халқаро журналистика факультети

Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедрасининг

9-сонли мажлиси баённомасидан

КУЎЧИРМА

Тошкент ш.

2015 йил 26 апрель

ҚАТНАШДИЛАР: Кафедра аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. 4-босқич талабаларининг битирув малакавий ишларини ҳимояга тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ: 402-гуруҳ талабаси Бўриева Моҳинур филология фанлари номзоди, доцент Назира Тошпўлатова раҳбарлигида ва Адиба Умирова тақризи остидаги “Интервью олишда журналист психологияси ва маҳорат масалалари” мавзусидаги битирув малакавий иши Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Қарор қилинди:

402-гуруҳ талабаси Бўриева Моҳинур филология фанлари номзоди доцент Назира Тошпўлатова раҳбарлигида ва “Hurriyat” газетаси муҳбири, Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси Адиба Умирова тақризи остидаги “Интервью олишда журналист психологияси ва маҳорат масалалари” мавзусидаги битирув малакавий иши Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Кафедра мудири

Н.Тошпўлатова

Котиба

Э.Атақулова

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

**I БОБ. КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНТЕРВЬЮНИНГ ЎРНИ
ВА АҲАМИЯТИ.....8**

1.1. Интервью оммавий мулоқотнинг кўриниши сифатида.....	8
1.2. Интервью – ахборот жанри сифатида.....	15
1.3. Интервьюга тайёрланиш технологиялари.....	22

II БОБ. ИНТЕРВЬЮ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ ПОЗИЦИЯСИ

2.1. Интервью олишнинг психологик мақсади.....	33
2.2. Журналистнинг бошловчилик роли.....	46
2.3. Интервьюда журналист позицияси.....	53

ХУЛОСА.....	63
--------------------	-----------

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	68
--	-----------

Иловалар.....	70
----------------------	-----------

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. XXI асрнинг дастлабки ўн йилида дунёда содир бўлган ўзгаришларнинг миқёси жуда юқори. Айниқса, сўнгги пайтларда технологияларнинг мислсиз даражада тараққий этиши туфайли уларнинг нано кўринишлари ҳаётнинг турли жабҳаларига кириб келди.

Бу эса ахборот алмашиш тезлигини бир неча юз баробарга орттириши билан бирга уларни узатувчи воситалар турларини ҳам ўзгартиб юборди. Ахборот истеъмолчилари энди ўзларига тегишли ахборотни хоҳлаган манбалардан олиш имкониятига эга бўлдилар. Табиийки, бундай катта босимдаги ўзгаришлар оммавий коммуникация жараёнларига ҳам таъсир этмасдан қолмади.

Маълумки, жамиятда турли муносабатлар моҳиятини коммуникациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Оммавий коммуникация жараёнларини асосини эса мулоқот ташкил қилади. Психология илмида мулоқотнинг бир неча турлари мавжуд. Шахслараро, гуруҳлараро, оммавий мулоқотлар ана шулар жумласидандир. Уларнинг барча кўринишлари психология билан бирга филология, социология, политология, журналистика соҳаларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Журналистика илмида мулоқотга икки хил талабдан келиб чиқиб ёндашилади. Яъни, мулоқот ахборот олиш усули сифатида ҳамда мустақил жанр (интервью, суҳбат) сифатида ўрганилади.

Ҳар бир оммавий ахборот воситаси, шунингдек журналист жамоатчилиқ онгини шакллантиришга қаратилган ўзининг информацион-коммуникатив мақсадини амалга оширади. Уни амалга оширишнинг энг самарали усулларида бири интервью орқали ахборот олиш билан белгиланади. Шу маънода таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда замонавий журналистикада ахборот жанрларига бўлган эҳтиёж ортмоқда. Бу эса журналистик асарларга ҳам аниқ ва қисқалик талабини қўйяпти. Шу билан бирга ана шу қисқаликда қизиқарли, фойдали, аҳамиятли воқеалар акс этиши керак. Оммавий аудитория томонидан қўяётган бу талабни амалга ошириш учун фақат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ўзи камлик қилади. Бунинг учун аудитория ахборот алмашинуви жараёнларида журналистлар билан тенгма-тенг иштирок этишлари зарур бўлади. Бу эса оммавий ахборот воситаларда интерактивлик жараёнлар орқали амалга ошади. Оммавий ахборот воситаларининг мумтоз шакли ҳисобланган босма нашрлар ҳам табиийки, бу жараёнлардан четда тура олмайди. Матбуот: газета ва журналлар ҳам жамоатчилиқ билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш

учун ўз фаолиятларини аудиториянинг талаб ва истакларига монанд ташкил этишга ҳаракат қилаётир. Бунда интерактивлик тушунчаси, яъни газета ва журналларнинг ўз муштарийлари билан икки томонлама муносабатларини кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда информацион жанрларнинг етакчиси ҳисобланган интервью ўрни алоҳидадир.

Шу пайтгача журналистика соҳасида ўрганилган ишларда интервьюга кўпроқ журналистик жанр сифатида ёндашилиб, асосий эътибор журналистика назарияси талабларидан келиб чиқиб, журналистик асарнинг шакл ва мазмунига эътибор қаратилганди. Сўнгги пайтларда унинг коммуникатив ва психологик имкониятларига алоҳида урғу берилляпти. Бу бежиз эмас алабатта. Чунки интервьюнинг самарали чиқиши унинг шакли билан бирга мазмунига таъсир қилувчи омилларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунда асосий эътибор интервью жараёнига бевосита алоқадор бўлган журналист шахси, унинг ижодий имкониятлари ва психологик тайёргарлигига қаратилади. Шу маънода, мазкур битирув малакавий ишига олиб чиқилган мавзунинг **долзарблиги** биринчидан, матбуотдаги интервьюларнинг оммавий коммуникация жараёнларидаги ўрнини аниқлаш, уларнинг журналистик асар сифатидаги композициясини ўрганиш, иккинчидан, муайян нашрларда чоп этилган интервьюларни тадқиқ қилиш орқали, интервьюнинг мақсади, тузилиши, унда журналистнинг билими, маҳорати орқали психологик имкониятлардан қай даражада фойдалана олишини кўрсатиш билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг ўрганганлиги даражаси. Интервью жанри бўйича тадқиқот олиб борган Ғарб олимларидан Э.Фихтелиус, Д.Рендал, рус тадқиқотчиларидан В.Стрельцов, Г. Лазутина, А.Тертичный, М.Лукина, М.Ким, Белоновский С, Г.Мельник, А.Тепляшина ўзбек олимларидан М.Худойқулов, Ф.Нестеренко, Қ.Эрназаров, Ё.Маматова, Ҳ.Саидов, Н.Тўхлиевалар томонидан ўрганилган ишларда интервьюнинг ахборот олиш усули ва жанр сифатидаги хусусиятлари кенг ва атрофлича тадқиқ этилади. Уларда интервьюнинг ўзига хос жанр эканлиги, унинг турлари ва унга қўйиладиган талаблар турли ОАВ

эълон қилинган турли кўринишдаги интервьюлар мисолида тадқиқ этилган Биз ушбу тадқиқотчиларнинг интервью жанри ҳақидаги назарий билимларига таянган ҳолда журналистика психологияси бўйича тадқиқот олиб борган олимлар Р. Харрис, А. Андреева, В.Кузин, С Рошин, ўзбек оимларидан М.Аҳмедова, Н.Тошпўлатоваларнинг асарларини ўрганиш орқали ушбу жанрнинг психологик хусусиятларини Ўзбекистон ҳамда Россия Федерациясида чиқадиган муайян газеталарда чоп этилган интервьюларни таҳлилга тортдик.

Ишнинг илмий янгилиги. Шу пайтгача тадқиқ этилган илмий ишларда интервьюнинг информацион жанр тури сифатида хусусиятларига асосий эътибор қаратилган. Шунингдек, интервью жараёнида журналистнинг бошқарувчи сифатидаги ўрни, коммуникатив, психологик вазифалари ҳам жаҳон ва ўзбек журналистикасида ўрганилган. Мазкур ишнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, интервьюнинг жанр талабларига жавоб бериши билан бирга унинг самарадорлигини таъминлашда журналистнинг касбий маҳорати ва психологик тайёргарлиги Ўзбекистон ва Россия матбуотида чоп этилган интервьюлар мисолида қиёсий таҳлил этилади.

Ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур битирув малакавий ишида интервьюнинг мақсади ва вазифаси, уни ташкил қилишда журналистнинг ўрни, коммуникатив вазифалари ва психологик тайёргарлигини Ўзбекистон ва Россия Федерациясининг муайян матбуот нашрларида чоп этилган интервьюлар мисолида қиёсий таҳлил орқали кўрсатиб бериш мақсад қилинган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- интервью оммавий мулоқотнинг кўриниши эканлигини ўрганиш;
- интервьюнинг ахборот жанри сифатидаги талабларини кўриб чиқиш;
- интервьюга журналистнинг тайёрлигини аниқлаш;
- интервьюнинг психологик мақсадини ўрганиш;

- журналистнинг интервью бошловчиси сифатидаги маҳоратини таҳлил қилиш;
- интервью жараёнида журналистнинг касбий позициясини аниқлаш.

Тадқиқот объектини Ўзбекистонда чоп этиладиган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” газеталари ҳамда Россия Федерациясининг “Литературная газета”ларининг 2014-2015 йиллардаги сонлари ташкил этади.

Тадқиқот предмети сифатида журналистика назариясида жанрларга боғлиқ билимларни ўзида қамраган илмий адабиётларда таяндик. Шунингдек, журналистик тадқиқот олиб боришнинг тарихийлик, ҳужжатлилик, таҳлил, қиёслаш, чоғиштириш методлари орқали мавзунини очиқ беришга ҳаракат қилдик.

Ишнинг методологик ва назарий асослари. Мазкур ишимизнинг методологик асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ОАВ фаолиятига бағишланган нутқлари ва маърузалари ташкил этади.

Шунингдек, оммавий коммуникациялар назарияси, журналистик ижод маҳорати асослари, журналистика психологияси масалаларига бағишланган мамлакатимиз ҳамда хорижий тадқиқотчилар асарларидан назарий манба сифатида фойдаланилди.

Ишнинг таркибий тузилиши. Ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари унинг тузилишини белгилаб берди. Мазкур иш кириш, олти фаслни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. БОБ. КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНТЕРВЬЮНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Интервью оммавий мулоқотнинг кўриниши сифатида.

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари ва у билан бирга ахборот оламидаги турли хил жараёнларининг ривожланиши журналистиканинг азалий моҳиятини ўзгартибгина қолмай, ўзига хос муаммоларни ҳам пайдо қилмоқда. Ахборотнинг шаффофлиги, ахборот манбасининг сир тутилиши, ахборот узатишга нисбатан масъулият, ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларга турлича ёндашувлар рўй бермоқда. Бундай мураккаб жараён оммавий ахборот воситалари, шу жумладан матбуотнинг зиммасига жиддий

масъулият юклайди. Чунки ахборот технологияларининг тезкорлик билан тараккий этиши дунё мамлакатлари ўртасида коммуникация жараёнларини тезлаштириб, жамият ҳаётида ахборотнинг роли ва аҳамиятини кучайтирибгина қолмасдан, унга бўлган муносабатни ўзгартирмоқда. Шу ўрнида коммуникация тушунчасига аниқлик киритиш лозим.

“Коммуникация” – латинча “communicatio” ва “communicare” деган сўзларидан олинган бўлиб, **умумийлаштирмоқ, боғламоқ, хабар йўллаш усули, алоқа шакли** деган маъноларни англатади. Кенг маънода эса, ўзаро мулоқотга киришиш, таъсир этиш жараёни, шунингдек, турли хилдаги ахборотни яратиш, узатиш ва қабул қилиш имкониятини берувчи алоқа усуллари тушунилади. Илмий адабиётларда «коммуникация» тушунча сифатида XX аср бошларида пайдо бўлди. Америкалик социолог Чарльз Кулининг фикрича, “коммуникация” деганда, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги ва ривожланиши учун шароит яратувчи ақл тимсоллари ҳамда уларни муайян макон бўйлаб тарқатиш механизми тушунилади¹. Бугунги кунда коммуникация икки хил маънода қўлланилади:

1. Бир жойдан бошқа жойга хабар узатиш, бир жой билан бошқа жойни боғлаш усули, (масалан, мобил коммуникация, вертуал коммуникация транспорт коммуникацияси, ерости коммуникацияси ва ҳ.з);

2. Мулоқот, ахборотни бир одам(гурух)дан бошқасига узатиш; уларнинг ҳаётий фаолият жараёнида тил ва алоқанинг бошқа сигналли турлари ёрдамида ўзаро таъсир этиш².

Ахборот маконида ахборот алмашиш жараёнлари асосан уч турдаги коммуникация (алоқалар) орқали амалга ошади. Булар: шахслараро, гуруҳлараро ва оммавий коммуникациялардир. Шуларнинг ичида соҳага тааллуқли бўлган коммуникация бу – оммавий коммуникациядир.

¹ Шарков Ф. Основы теории коммуникации. [www. iub.at.ua](http://www.iub.at.ua)

² Ўша манба.

Оммавий коммуникация, медиапсихология нуктаи назаридан, жамоачиликнинг ўзини-ўзи бошқаришини англатувчи тизимдир. Моҳиятан автокоммуникациянинг, яъни жамоатчиликлнинг ўзаро алоқаси ўзини-ўз бошқаришнинг бир бутун системаси саналади³.

Оммавий коммуникациялар (алоқалар)нинг ўзига хос хусусиятларидан маълумки, оммавий коммуникация каналларидан ўтадиган ҳар қандай ахборот манбадан жамоатчиликка етиб боргунга қадар ўзгартирилади ёки ўзгартирилиб таърифланади.

Жамиятнинг ахборотга бўлган бугунги талаби ҳар қачонгидан ҳам юқори. Эндиликда олинаётган ва узатилаётган ахборот қандайдир мақсадлар, манфаатлар туфайли оммага ҳар қанча тез ва тўғри етказилса ҳам, барибир ахборот манбасининг ўзи берган хабарчалик ёки фикрчалик таъсирга эга бўлмайди. Ахборотни имкон қадар холис ва аниқликка асосланиб етказиб бериш заруратининг ўзи оммавий коммуникация воситалари зиммасидаги масъулиятнинг аҳамияти борган сари ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ҳар қандай ахборотни етказиш ва уни жамоатчилик томонидан қабул қилиниши билан ахборот билан боғлиқ муаммони ҳал қилмайди. Балки бу муаммонинг ечими иккинчи томоннинг, яъни ахборот қабул қилган томоннинг реакцияси (муносабати) билан белгиланади. Айниқса, бу жамиятнинг турли бўғинларида муаммоли масалаларнинг кўндаланг бўлганида яққол кўзга ташланади. Шу боис, ахборотни узатишда коммуникатив мулоқотнинг ортиши, аслида ўқувчида, томошабинда, тингловчида ахборот узатаётган субъектга (журналист, репортёр, ОАВга) нисбатан содир бўлган воқеа ташкилотчиси, гувоҳи ёки иштирокчининг фикрлари ишонарли чиқишини таъминлайди. Бу айниқса жамиятда учрайдиган муаммоли масалалар юзасидан мансабдорларнинг, мутахассис ёки экспертларнинг ахбороти бўладиган бўлса ишонччилик даражаси янада ортади.

³ Шарков Ф. Основы теории коммуникации. [www. iub.at.ua](http://www.iub.at.ua)

Жамиятнинг оммани қизиқтирган турли масалалари бўйича узатиладиган ахборотлари ичида таъсирчанлик жиҳатидан мулоқотлар (интервью, суҳбатлар) олдинги ўрнида туради. Бунинг дастлабки сабаби мулоқотлар ҳар қандай расмийликдан ҳоли, эркин тарзда ва муҳими, интерактивликка, яъни томонларнинг тенглигига асосланганидир. Иккинчи сабаби, интервьюнинг тили осон, тушуниш осон. Бир кишининг узундан-узоқ нуткидан кўра, интервью савол-жавобга қурилганлиги боис, ўқувчига қизиқарлироқ ва самаралироқ туюлади. Учинчидан, интервьюнинг йўналиши одатий мулоқотлардан у қадар фарқ қилмайди. Аммо ўқиган, эшитган ёки кўрган мулоқот тури осон тушунилса-да, уни тайёрлаш жараёнлари енгил деб бўлмайди. Айниқса, матбуотдаги мулоқотларни ташкил қилиш бирмунча мураккаб жараён.

Матбуотда оммавий мулоқотнинг кўриниши бўлган интервью орқали интерактив жараёни вужудга келтириш эса замонавий журналистдан катта маҳоратни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакат журналистларига йўллаган табригида шундай дейилади: “Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлиқ қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини яхши тасаввур қиламан. Бу иш ҳамманинг қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, қунт ва изланиш зарурлигини инобатига оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзини профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизга мамнуният етказди.”⁴

⁴ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Ўзбекистон матбуоти, 2014 йил, 5-сон, -Б.4.

Оммавий коммуникациялар қанчалик ривожланмасин барибир жамоатчилик ташқи олам билан муносабати, улар орасидаги илганмайдиган боғлиқлик, карама-қаршилик аниқлик киритишга эҳтиёж сезади. Бундай ҳолларда муайян ахборот юзасидан манбаа сифатида турли доирадаги, савиядаги, дунёқарашдаги шахслар билан бўладиган мулоқот орқали бериладиган ахборотлар муҳим роль ўйнайди. Мутахассисларнинг фикрича жамият ривожланишининг асосини турли коммуникациялар, мулоқотлар ташкил этар экан. Шу нуқтаи назардан мулоқотнинг энг оддий таърифи бу – мулоқот фикр айтиш ва уни тушуниш, дейиш мумкин. Бу таърифга рус олими М.Бахтин илмий жиҳатдан ёндашади: “Мавжудлик бу —гаплашиш, мулоқот. Шунинг учун диалог моҳиятан бўлиши ва тугаши керак эмас. Қачонки диалог тугаса, ҳаммаси тугайди”⁵.

М. Бахтин мулоқот ҳақида фикр юритганда коммуникация муайян адресга, шахсга жўнатувчидан олувчининг ахборот(хабар)и, деган оддий хулосага келмаган. Коммуникация воқеликнинг иштирокчилари ўртасида кечадиган мулоқот: бу—“бегона сўзларнинг учрашуви ва ўзаро таъсирини белгиловчи мураккаб ҳодисадир”⁶.

Психология фанлари доктори, профессор В.Каримованинг фикрича, мулоқотнинг турли шакл ва босқичлари мавжуд бўлиб, илк босқич бу—одамнинг ўз-ўзи билан кечадиган мулоқоти. У, аслида, бошқалар билан бўладиган мулоқотнинг характери ва ҳажмини белгилаб беради. Агар одам нуқул ўзи билан ўзи мулоқот қилишни одатга айлантириб, мудом жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, бошқалар билан суҳбатда, муомилада жиддий қийинчиликларга дуч келади. Демак, ўзгалар билан мулоқот – мулоқотнинг иккинчи босқичи ва кўринишидир⁷.

Журналист маълумот олиш учун турли ахборот манбалари билан мулоқотга киришади. Журналист берган саволларга ресципиент турли

⁵ Бахтин М.М. Проблема творчества Достоевского. М., 1994. 160-бет.

⁶ Ўша манба

⁷ Каримова В. Ижтимоий психология дарслик. – Тошкент.: ТДИУ босмахонаси, 2012, 64-бет.

кўринишда: оғзаки, ёзма, визуал, вербал тарзда жавоб бериши мумкин. Бундай мулоқотларда иккинчи томон, яъни ресципиент фаоллик кўрсатмайди, фақат ахборот манбаси сифатида иштирок этади. Иккинчиси, мулоқот журналистиканинг жанрлари: интервью ёки суҳбат шаклида бўлиши мумкин. Журналист ўзи танлаган суҳбатдоши билан бир мавзу, мақсадга қаратилган савол-жавобдан иборат мулоқотида жамиятда содир бўлган аниқ бир воқеа-ҳодиса, жараёнлар, ўзгаришлар ва суҳбатдошнинг эришган ютуқлари, соҳасига доир ўзгаришлар ҳамда янгиликлар ҳақида ўзаро мулоқот олиб боради. Шу маънода интервью журналист ва респондент орасида мавзули мақсадга эга бўлган ўзаро диалог, психологик, вербаль - коммуникатив усул сифатида янги маълумотларга эга бўлиш мақсадида олиб борилади ва у интерактивликка асосланади. Шу ўринда “интерактив” деган сўзнинг луғавий маъносини яна бир бор эслаш фойдадан ҳоли бўлмайди.

“Интерактив” сўзининг луғавий маъноси, “интер”- ўзаро, “акцион”- фаолият, ўзаро фаолият юритиш, тор маънода, икки ёки ундан ортиқ кишининг муайян макон ва замонда, яъни муҳит ва вақт оралиғида ўзаро ахборот алмашиши, кенг маънода эса ижтимоий таъсир кўрсатиш даражасини кўтариш, ўзаро тенг фаолият кўрсатиш орқали муайян масаланинг объектив-субъектив томонларига тенг муносабатда бўлиш каби маъноларни англатади. Интерактив мулоқотда томонларнинг фаоллашуви орқали ахборот алмашиш, ўзаро ўрганиш, ўргатиш, муносабат билдириш, алоқада бўлиш жараёнлари амалга ошади. Илмий-истилоҳий маънода алоқада бўлиш деганда тажриба, қобилиятлар, билим ва малакалар, шунингдек, жамият ва шахс тараққиётининг зарурий ва умумий шартларидан бири ҳисобланган фаолият натижаларининг алмашинуви содир бўладиган мулоқот жараёни, ижтимоий ва шахсий муносабатлар ўзаро боғланиши, хабарлашиш, муайян мақсадга эришиш амаллари назарда тутилади.

Бу жараёнда турли хил таъсир воситалари орқали ахборот алмашиш содир бўлса-да, моҳиятан бу жараён тажриба, қобилият, дунёқараш, билим ва малакалар, шунингдек, жамият ва шахс тараққиётининг зарурий ва умумий

шартларидан бири ҳисобланган фаолият натижалари алмашинуви содир бўладиган реал ҳодисадир. Матбуотда бу жараён суҳбат ёки интервьюларда намоён бўлади. Ушбу жараёнга М.Бахтин “Ҳақиқат битта бошда туғилмайди. У суҳбатлар асосида юзага чиқади”, дея таъриф беради. Бу фикрлар ахборий жанрлар таркибига кирувчи интервью жанрига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Журналист ўзига нотаниш одамлар орасида муҳим ахборотларни олишга киришади бу жараёнда у респондент ишончини қозониши, у билан эркин психологик ҳолатда мулоқотга кириша олиш маҳоратини талаб қилади. Шу маънода, мулоқот нафақат ўзаро гаплашиш, суҳбатлашиш жараёни, балки – журналистнинг шахси, психологик маданияти шаклланадиган мураккаб жараён ҳамдир. Бу дегани журналист мулоқот жараёнида ўзининг қанчалик билимдон эканлиги намоёиш этиш дегани эмас. Балки мулоқотнинг қанчалик самарали бўлиши учун ҳозирлик кўриш, тайёрланиш унга зарур бўлган маълумотларни ўзлаштиришдир. Мулоқот коммуникатив жараённинг асосини ташкил қилгани учун, мулоқотга киришувчилар интервьюни ёзилиши осон деб ўйлашади. Журналистика соҳасида эндигига иш бошлаган ёш мутахассислар ҳам кўпроқ шундай фикрда юрадилар. Аммо бу юзаки тасаввурдир. Нафақат интервью ёзиш, балки мулоқотга киришишнинг ўзи ҳам мураккаб психологик жараёндир. Шу боис, мутахассислар, жамиятдаги муаммоларнинг мавжудлигига сабаб кишиларнинг мулоқотга киришишни билмаслигини ҳам кўрсатадилар. Мулоқотга киришишни билмаслиги мумкин, лекин хоҳласа-хоҳламаса мулоқотга киришади. Чунки мулоқот инсон ҳаракат фаолиятининг муҳим бир элементи, таркибий қисми бўлиб, унинг ўзига яраша психологик ривожланиши талаблари бор. Мутахассисларнинг фикрича, мулоқотнинг психологик ривожланиши - бир неча босқичда содир бўлади:

1. бирламчи - меҳнат фаолияти билан мулоқотнинг ажралмаслиги;
2. мулоқот билан ишлаб чиқариш фаолиятининг алоҳидалиги;
3. гап мулоқотдан ажралиб чиқиш имкониятини беради ва ижодий мақсад сари йўналтирилади.

Шу боис, мулоқот қилиш, мулоқотга киришишга ҳар кимнинг табиий эҳтиёжидир. Журналист интервью олиш учун, энг аввало мулоқотнинг энг оддий қоидаларини билиши, унинг талабларига риоя этиши керак. Интервьюнинг самарали чиқишида бу жиҳатлар жуда муҳим. Фақат бугина эмас, шунингдек, психологик жиҳатдан мулоқотга тайёргарлик кўришда журналист суҳбатдошни ўрганади, саволларни тузади, мулоқотда киришимли бўлишга, респондент билан тил топишишга уринади. Журналист амалий фаолиятида ҳаваскорлик даражасидан профессионаллашиб борар экан нафақат кузатувчан ижодкор сифатида шаклланади, балки жамиятнинг тўлақонли ижтимоий аъзосига айланиб боради. Айниқса, одамлар билан мулоқотда бўлгандан сўнг унинг фикрлаш қобилияти, тасаввур дунёси ҳам бойиб бораверади. Гуруҳлар ва шахслараро коммуникацияда эса журналистнинг интервью олиш малакаси ва тажрибаси ортади. Самимий мулоқот олиб бориш салоҳиятига эга журналистдан катта ижодий муваффақиятларни умид қилиш мумкин. Ҳар қандай журналист мулоқот қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, психологларнинг таъбири билан айтганда, у албатта, у ўзига ижобий иқлим яратиши керак бўлади. Бунда алоқа ўрнатишнинг қонун-қоидаларини самимий мулоқотга чорлаш усуллари билиш муҳим аҳамиятга эга. Яъни, журналист интервьюдаги ўзаро сўзлашув, суҳбати унинг жамиятдаги бошқа кишилар билан қиладиган мулоқотларидаги сингари самимийликка асосланиши зарур. Аммо бу дегани мулоқотнинг самарали чиқишида фақат самимиятнинг ўзи кифоя қилади, деган қарашларни бермаслиги керак. Унинг жамиятни турли қатламлари вакиллари билан қиладиган мулоқоти, оддий кундалик мулоқотларидан профессионал нуқтаи назаридан фарқланади. Шу маънода, журналистикада ахборот олишнинг энг кенг тарқалган усули интервьюнинг ҳам ўзига хос талаблари мавжуд. Шу билан бирга, интервью ахборот жанри ҳисобланади. У оммавий мулоқотнинг бир кўриниши сифатида ўзига хос хусусиятлари бўлиш билан бирга, ахборот жанри сифатида ўзига хос қоидаларга, талабларга бўйсунди. Биз интервьюнинг ахборот жанри

сифатидаги талаблари, қонун –қоидалари ҳақида навбатдаги фаслда атрофлича тўхталиб ўтамиз.

1.2. Интервью – ахборот жанри сифатида.

Интервью ҳақида гапирганда, у ҳақда ҳар кимда ўзига яраша тасаввур мавжуд эканлигини таъкидламоқ жоиз. Қандай бўлишидан қатъий назар ана шу қарашлар, одамлардаги тасаввурларни нотўғри деб бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда “интервью нима” деган саволга оддий қилиб жавоб берган киши ҳам унинг “икки кишининг суҳбатлашиши” эканлигини билади. Дарҳақиқат, журналистика жанри талаблари кўра ҳам икки ёки ундан ортиқ кишининг муайян бир мақсадга эришиш йўлида биргаликда амалга оширадиган нутқий фаолияти - интервьюдир. Унинг қурилиши савол-жавоб қонуниятига асосланади. Яъни, журналист савол беради, интервью иштирокчиси ана шу саволларга жавоб қайтаради. Ушбу жараёнда томонларнинг нутқ ифодаси ва уни қабул қилиш амаллари алмашиб туради. Бу дегани қаҳрамон савол бериб, журналист жавоб қайтариши назарда тутилмайди. Балки айрим саволларга жавоб бермаслик, саволнинг очиқ қолиши ёки интервьюер фикрларини тўлдириш назарда тутилади. Оддий қилиб айтганда, интервьюда бир киши гапирди, иккинчиси тинглайди. Интервью орқали маълум мақсадга эришиш, муайян масалага ойдинлик киритиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаб топишга имкон яралади.

"Интервью- узоқ давом этадиган заҳматли машғулот бўлиб, унда сиз саволларингизга жавоб олиш ёки ёритадиган мавзуингизни тушуниш учун савол беришдан чекинмайсиз,"- деган эди англиялик тележурналист, муҳаррир Дэвид Рендал. Интервьюда ўқувчи учун қизиқарли, шу билан бирга керакли бўлган ахборот суҳбатдошнинг фикрлари воситасида, аҳамиятли жиҳатларини ҳисобга олиб берилади. Баъзан у қандай бўлса шундайлигича, баъзан эса интервьюда кўтарилган мавзу доирасида қисқартириб берилиши мумкин.

Интервью бу журналист саволларига аниқ шахс (шахслар гуруҳи)нинг аудиториянинг қизиқишларини назарда тутиб берадиган жавобидир.

Шундай қилиб, “интервью” сўзи инглиз тилидан олинган “оралиқ”, “нигоҳ” деган маъноларни англатади. Бу нигоҳ ҳар хил бўлиши мумкин. Уларни орасидаги юпка пардани олиб ташланса, “нигоҳлар оралиғи” деган мазмун ҳам келиб чиқади. Яъни журналист билан суҳбатдошнинг карашлари, нуқтаи назарлари оралиғи ҳисобланади.

«Журналистика ва публицистика» дарслиги муаллифи Мухтор Худойкулов интервьюни оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланиладиган жанр сифатида эътироф этади. Унинг фикрича, бу сўз инглизча бўлиб “сўраб суриштириш” деган маънони билдиради. «Шунингдек, мазкур жанрнинг матбуотда кўп учрашининг сабаби шундаки, ҳаётдаги ҳар бир факт, воқеа-ҳодисанинг қандай бўлиб ўтганлиги, тафсилоти, одатда шу фактдан хабардор бўлган воқеа-ҳодисани кўрган, билган одамлардан сўраб суриштириб билинади, кейингина бирор жанрдаги матбуот материалига асос бўлади», ⁸ деб қайд этади муаллиф. Олимнинг бу таърифи субъектив хусусиятга эга. Яъни у бу жанр шаклини қандай тушунса, унга шундай таъриф берган. Ваҳоланки, “интервью” сўзининг ўзи унинг оралиқ, масофа билан боғлиқ тушунча эканлигини айтиб турибди. Журналистикада интервью – бир шахснинг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаш ва топиши жараёнидир. В.А.Аграновский айтганидек, “Интервью – бу фақат савол жавоблар эмас. Журналист интервьюер олдида биринчидан фикр билан, иккинчидан фикр учун боришга мажбур.”⁹

Интервью жанрининг бошқа журналистик жанрлардан ажратиб турдиган муҳим жиҳати, ўзига хослиги шундаки, аудитория интервью орқали ахборотни тез қабул қилади, фактларни тушуниш, идрок этиши осон кечади. Шунингдек, журналист томонидан берилган саволга қайтарилган жавоб соҳа мутахассиси томонидан берилаётганлиги учун унга кўпчилик ишонади. Чунки журналист

⁸ Худойкулов.М. Журналистика ва публицистика.-Т.:”Тафаккур нашриёти”. 2011. –Б.158 .

⁹ Аграновский В. Беседо о журналистике. –М., 1994.

берган ахборотдан кўра, респондент айтган хабар, маълумотнинг таъсир доираси кучли бўлади.

Умуман, савол-жавоб қонуниятига фақатгина интервью хос бўлмай, шаклий жиҳатдан яна бир жанр - суҳбат ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлашни истардик. Аммо гарчанд улар битта жанр турига кирса ҳам, орасида фарқ мавжуд.

Филология фанлари номзоди Ҳ.Саидов ва тадқиқотчи Н.Тўхлиевалар суҳбат ва интервьюнинг шаклан, мазмунан ва бошқа жиҳатлари билан бирига ўхшаш жиҳатларини тан олган ҳолда, икки жанр орасидаги фарқли томонларга тўхталиб, асосан тўртта фарқни ажратиб кўрсатадилар.

“Биринчи фарқи. Интервьюда интервью олувчи фақат қисқа, лўнда саволлар беради. Суҳбатда журналист савол бериш билан бирга бирор муаммо ечими изланаётганда ёки бошқа зарурат туғилганда баҳсга киришиши мумкин...

Иккинчи фарқи. Журналист суҳбатдошининг жавобларини шарҳлаши мумкин. Албатта, шарҳлаш учун ҳам журналистдан юқорида таъкидланган сифатлар талаб қилинади.

Учинчи фарқи. Интервьюда асосий эътибор бир муаммо ёки бир мавзуга қаратилса, суҳбатда нисбатан кенгроқ, бир неча мавзуда савол жавоб бўлиши мумкин.

Тўрттинчи фарқи. Савол берилганда ёки суҳбатдош жавоб қайтараётганда унинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар - кулганлиги, жаҳли чиққанлиги, ўйланиб қолганлиги ва бошқа ўзгаришларни ҳам қавс ичида бериб бориш мумкин”¹⁰.

Демак, гарчанд техникаси шакли, қонуниятлари айнан бўлишга қарамасдан, мақсади ҳар хил бўлганлиги боис ҳам интервью ва суҳбатнинг ўртасида муайян фарқ бор экан. Биз бу икки тушунчанинг ичида интервьюни ўзимизга ўрганиш объекти қилиб олганмиз.

Интервью жанри турли ранг-баранг кўринишларга эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётнинг кенг ва чуқур ёритиш, ундаги муҳим факт ва воқеа-

¹⁰ Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Т., 2008. -Б.49-51.

ходисалардан ўқувчиларни бохабар этиш, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади.

Рус тадқиқотчиси А.Тертычный интервьюни шаклий жиҳатдан иккига, яъни ахборий ва таҳлилийга бўлади¹¹. Ахборий интервьюда сўров, суриштирув натижасида олинган факт, аниқланган воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар қилинади ҳамда бу хабар ёки маълумот ким томонидан берилганлиги маълум қилинганлиги айтилади. Яъни бир хил материалда факт ва маълумотлар кимдан олинганлиги айтилиб, қисқача тарзда баён этиб ўтилади. Бу жиҳатдан у хабар жанрига яқин туради. Таҳлилий интервью эса суҳбат деб аталади ва унда таҳлилий публицистика хусусиятлари бирлашиб кетиши яъни у орқали ҳам хабар ва маълумотлар берилиши ва фикр-мулоҳазалар билдирилиши ҳам мумкин.

Ҳозирги замонавий ўзбек матбуотида журналистика жанрлари нуқтаи назаридан ҳам интервьюнинг бир неча турлари учрайди. Масалан, бирорта факт, ҳодиса ҳақида янги маълумот олиш кўзда тутилган хабар-интервьюлар, муайян воқеликка ойдинлик киритишига қаратилган, аниқлаш мақсадида қилинадиган интервью орқали журналист илгари олинган хабарни таҳлил қилади ёки воқеа-ҳодиса билан боғлиқ фактларни аниқлайди. Ёки суҳбат-фикр-мулоҳазадан жамоатчиликнинг эътиборида бўлган, шунингдек журналистнинг ҳам бефарқ қолдирмаган муаммога суҳбатдошнинг фикри орқали ойдинлик киритади. Интервью – текширув орқали эса асосан зиддиятли вазиятларда унинг асосий ўзагини, бўғинини топиб, барча жиҳатларини аниқлаштирадиган мутахассис ёки мутасадди билан биргаликда олиб бориладиган журналист фаолиятидир.

Мазмунига кўра интервьюда ҳужжатлилик (бўлиб ўтган воқеаларни ўрганиш, факт ва фикрларга аниқлик киритиш) ҳамда фикр интервьюси (қарашлар, муҳокамаларга баҳони аниқлаши керак) бўлинади.

¹¹ Тертычный А.А. Жанры периодической печати: Учебное пособие. - М.: Аспект Пресс, 2000. С.81.

Интервьюнинг жанр сифатидаги ўзига хосликлари борлигини ва у асосан савол-жавоб тариқасида бўлишини юқорида таъкидладик. Филология фанлари номзоди Х.Саидов ва тадқиқотчи Н.Тўхлиевалар томонидан яратилган “Репортёрлик маҳорати” ўқув қўлланмасида унинг: интервью-монолог, интервью-диалог, интервью-ахборот, оммавий интервью сингари кўринишлари ҳақида маълумот берилган.

Интервью-монологда танланган суҳбатдошга савол берилади ва у саволларга батафсил жавоб қайтаради. Бу савол-жавобларга бўлиб ташланмаган бир бутун матндир.

Интервью диалог - саволлар ва жавоблардангина иборат мулоқот. Журналист тайёрлаб қўйган асосий саволлар билан чекланмасдан қўшимча саволлар ҳам бераверади. У суҳбатдошидан баъзи масалаларга аниқлик киритишни, муҳокама этилаётган муаммо бўйича шахсий фикрини билдиришни, қўшимча далил ва мисоллар келтиришни, кишилар исм-шарифини, шахарлар номини эслашини ва ҳоказоларни сўрайди.

Интервью-ахборот - суҳбатнинг аҳамиятли жойлари берилади, шунингдек жавоблар қисқартириб берилиши мумкин¹².

Энг оммабоп тезкор мазкур жанр журналистлардан жуда катта меҳнат, топқирлик ва маҳорат талаб этади. Журналист аввало ҳаётни мутассил кузатиб бориши, ундан ижтимоий аҳамиятли, ўқувчиларни қизиқишини уйғотадиган факт, воқеа ва ҳодисаларни қидириб топиши, улар ҳақида кенгроқ маълумот бера оладиган одамларни аниқлаши, уларни суҳбатга тортиши, ҳамда зарур маълумотларни ола билиши лозим. Интервьюни ёзиш чоғида журналист аввало, фактларни аниқлиги, воқеа-ҳодиса тафсилотларининг ҳаққонийлигига эътибор бериши лозим. Интервьюнинг қайси шаклда ёзилиши унинг қайси мавзу, масала ва муаммога бағишланганлиги, ижтимоий аҳамиятига боғлиқ.

Интервью олувчининг, яъни журналистнинг вазифаси — аввал суҳбатдош билан суҳбатлашиб, кейин ёзишдир. Қаҳрамон шахсини аниқ очиб беришга

¹² Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Т.: 2008.

йўналтирилган интервью ёки муаммоли вазиятни ўрганиш учун бевосита суҳбатнинг ўзи кифоя қилмайди. Интервью олувчининг муҳим вазифаларидан яна бири – бу суҳбатдошни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

Журналист интервью олишда маълумот олинаётган одамга ўша воқеа, ҳодисанинг моҳиятини очиш учун зарур бўлган саволларни ўз вақтида бера олиши ва уларга тегишли жавоб ола билиши лозим. Журналист мўлжалга урадиган қисқа, лўнда саволлар бериб, суҳбатдошдан ҳам шундай жавоб олишга эришиш лозим. Кераксиз тафсилотлар, ортиқча сўзлар интервьюни бузади, унинг аҳамиятини пасайтиради. Энг муҳими кўпчиликка, жамоатчиликка янгилик, янги факт, янги маълумотлар етказишдир”.

Янгиликлар учун керак бўладиган ким? нима? қачон? қаерда? қандай қилиб? нима учун? деган саволлари интервьюда ҳам аввалгидай аҳамият касб этади. Агар интервью бирор ҳодиса рўй бергач олинса, саволлар мантикий кетма-кетликда берилади. Шу ўринда англиялик журналист Девид Рендалнинг "Интервью сиз ўз фикрингизни билдириб, истейдодингизни ярқ этиб кўрсатиб, кизгин баҳс олиб борадиган жараён эмас” деган фикрини эсласак, айти муддао бўлади. Интервьюда саволлар қисқа, лўнда, аниқ бўлиши керак.

Интервьюнинг ички тузилишига келсак, унинг қандай бўлиши унга асос бўлган мавзудан ва журналист танлаган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Журналистлар интервьюга жуда кўп вақт сарфлашади. Бунда ҳам маълум даражада асос бор. Сабаби айнан интервью жанри ўзининг жонлилиги ва табиийлиги билан информацион жанрлардан ажралиб туради. Шунингдек, айнан интервью бошқа жанрлар қоришмасида кела олади. Дейлик, хабар, мақола, корреспонденция, шарҳ ҳамда журналист суриштируви каби турли хил жанрларда айнан ахборот манбаларидан интервьюнинг берилиши интервьюнинг кенг қўламли эканлигидан далолатдир.

Газетада учрайдиган интервьюлар ранг-баранг тарзда, турли шаклларда олиб борилиши мумкин. Аммо мазмуни ва мақсадига қараб ҳам бир неча турларга бўлиш мумкин. Булар хусусий, оммавий ва махсус интервьюлардир.

Хусусий интервью – мавзу ва мақсад эркин бир вазиятда томонлар майлига қараб беихтиёрий ва ихтиёрий белгиланади. Кундалик ҳаётда учрайдиган мулоқотлар шу тоифадаги мулоқотлар сирасига киради. Бундай интервьюларни кўпроқ хусусий, кўнгилочар нашрларда кузатиш мумкин.

Оммавий интервью – катта аудиторияни жалб этиш мақсадида аниқ режа ва саволлар асосида ташкил этилади. Бундай интервьюлар мазмун ва моҳият жиҳатидан ижтимоий йўналтирилган шаклий-услубий жиҳатдан эса муайян кўринишда бўлади.

Махсус интервью – аниқ бир мақсадни олдига қўйган, аниқ йўналишга эга, муайян муаммо ёки тор мавзуга қаратилган бўлади. Уни уюштиришдан кўзланган мақсад бирор бир воқелик, вазият, жараён, ҳодисага нисбатан мутахассис – суҳбатдошнинг аниқ фактлар ёки шахсий мулоҳазалари орқали муносабати ёки баҳоси ҳақида маълумотга эга бўлишдир.

1.3. Интервьюга тайёрланиш технологиялари

Ҳар қандай журналистик асар - муайян тайёргарликни талаб қилади. Журналист қандай жанрда ёзишидан қатъи назар, у мақола бўладими ёки хабар, лавҳа, тақриз ёки очерк бўладими унга тайёргарлик кўради. Мавзуни аниқлайди, унга оид маълумот ва фактларни қидиради, ахборот манбалари билан учрашади, топган маълумотларини текширади. Ҳатто қўлида ҳамма матеирал етарли бўлганда ҳам айрим ҳолатларда у ёзишга киришиб кетолмайди. Бунга маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр эмаслиги сабаб бўлади. Биз ўрганишга жазм қилган интервью жанри ҳам мустасно жараёнлардан мустасно эмас.

Журналистлардан кўпинча “интервьюга тайёргарлик кўриш нимадан бошланади” деган савол билан мурожаат этилса, кимдир “савол тузишдан” деб

жавоб берса, кимдир объект топишдан, ўрганишдан дейди. Кимдир зарурат юзасидан суҳбатдош тасодифан бўлиши мумкин дейди, яна кимдир мақсаддан, мавзу танлашдан бошланишини айтади. Ҳар ким ўзи билган қоидаларга асосланиб ёки тажрибасидан келиб чиқиб жавоб беради. Шунингдек, бу жараёнга ҳар ким ўзи билганича киришади ҳам. Аммо ҳар қандай ишга қўл урмоқчи бўлган одам аввало ўзида ички хавотирни ҳис этади. Шу хавотир, ҳадикни бартараф этиш учун муайян ҳаракатлар билан ҳозирлик кўради. Ота-боболаримиз бежизга “Сувни кўрмай, этик ечма” деган нақлни ишлатишмаган. Агар бу мақолни тайёргарлик масаласига боғлайдиган бўлсак, ҳали суҳбатдошни билмасдан туриб интервью олгани бориш, ўша сувни кўрмай этик ечиш билан баробар, бизнинг назаримизда. Шунинг учун интервьюга тайёргарлик кўриш эҳтимол эмас, қонуниятга айланиши керак. Чунки журналистлар ўзларининг камчиликларини секин-аста мулоқотни билмасликда эканлигини тушуниб етмоқдалар. Бунда айниқса назарий билимларни ўрганиб, унинг талабларига риоя этиш билан бирга мулоқот психологияси билан боғлиқ билимларни ўрганиш интервью олмоқчи бўлган журналист учун жуда муҳим. Шундай қилиб юқорида берганимиз “интервьюга тайёргарлик кўришни нимадан бошлаш” керак деган саволга соҳада яратилган назарий асосларига таяниб жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Интервьюга тайёргарлик кўриш юзасидан тадқиқот олиб борган изланувчиларнинг ўрганган объектларига қараб бу жараёнлар бўйича ўзларининг хулосаларини турлича беридилар. Шундай тадқиқотчилардан бири Мария Лукина бўлиб, у ўзининг “Интервью технологияси” номли китобида интервьюга аниқ тайёргарлик кўриш қуйидаги босқичларни ўз ичига олишини кўрсатади:

- Интервьюдан мақсадни аниқлаб олиш ва тўпланган маълумотларни ўрганиш;
- Интервью учун танланган мавзу ва суҳбатдошни ўрганиш;
- Суҳбатни қандай олиб бориш усулини режалаштириб олиш ва асосий саволларни тузиш;
- Учрашув вақти, жойини респондент билан келишиш;

Ҳар бир журналист интервьюга умумий тайёргарлик у суҳбатлашмоқчи бўлган шахснинг руҳияти, фаолияти, эътиқоди ва қарашларини ўрганишдан ва у мансуб бўлган ижтимоий аудиториянинг умумий психологиясини билишдан бошлайди. Энг муҳими тартқикотчилар турли манбалардан ўрганиб, тажрибаларда шундай хулосаларга келсалар ҳам уларнинг турлича қарашлари бир-бирига бутунлай зид эмас, балки бир-бирин ўзига хос кўринишда такрорлайди.

Суҳбат қонуниятларига кўра, интервьюга тайёргарлик кўриш **мавзу танлаш ва қаҳрамонни ўрганишдан** бошланади. Унгача муайян тасаввурни ҳосил қилувчи жиҳатлар мавжуд. Бу журналистикада диагностика дейилади. Уни амалга ошириш учун танланадиган суҳбатдошнинг шахси ўрганилади, кузатилади. Ўрганиш жараёнида журналист унинг дўстлари, қўшнилари, қариндош-уруғлари, ҳамкасблари билан гаплашиб чиқиши, суҳбатдошнинг шахсини белгилашда муҳим омиллар бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бўлғуси суҳбатдош ҳақида чиққан мақолалар, унинг яратган асарлари, қилган ишлари, бир сўз билан айтганда фаолияти билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Журналист суҳбатдоши ҳақида тўплаган материаллари унга интервью давомида фойда бермаслиги мумкин. Балки ундан қисман фойдаланар. Бу муҳим эмас, муҳими аввало журналистнинг ўзига ишончи пайдо бўлади. Интервьюнинг қандай кечишида мўлжални тўғри белгилайди, бу эса интервью самарадорлигини таъминлайди. Журналистика ижодий ҳамда индивидуал фаолият тури бўлганлиги боис, албатта интервьюга қадар диагностика зарур. У орқали журналист қаҳрамони феъл-атворидаги ўзига хос хусусиятларни, у ҳақидаги ижобий ва салбий маълумотларни, таржимаи ҳолига тааллуқли бўлган ўта шахсий фактларгача билиб олади. Бу ҳақда Ғарб тадқиқотчиларидан бири Э.Фихтелиус ўзининг “Журналистиканинг ўн қоидаси” китобида шундай ёзади: “Маълумот тўплаш учун ўша шахсга тегишли бўлган дўстлар билан суҳбат, касбдошлар билан учрашиш, қаҳрамоннинг аввалги интервьюларини эшитиш ва кўриш, унинг мақолалари ва нутқларини кўриб чиқиш кабилар тайёргарлик ишларининг

таркибий қисмидир.”¹³. Бу жараёнлар журналист томонидан суҳбатга **тайёргарлик кўришининг биринчи босқичи** ҳисобланади. Афсуски, амалиётчи журналистлар орасида интервьюга тайёргарлик кўришда айнан шу жиҳат эсдан чиқади. Ёки таҳририят томонидан бирор бир мавзуда материал тайёрлаш топширилса, “бу мавзунини психолог (ёки педагог, банк ходими) яхши билади, ундан интервью оламан” деган юзаки қараш билан ишга қўл уради. Ҳамма камчилик интервью жараёнида содир бўлади. Журналист интервьюга таклиф қилган қаҳрамонининг шахсини, унинг жамиятда, ўз соҳасида қандай ўринга эга эканлигини билмайди. Бу эса суҳбатдошнинг ҳафсаласини пир қилиши, ҳатто интервью беришдан бош тортишгача олиб келиши мумкин.

Иккинчи босқич **журналист башоратига** асосланади. Ушбу жараёнда асосий эътибор бўлғуси суҳбатдош ҳақида тўпланган маълумотларнинг таҳлилига қаратилади. Яъни бунда, **биринчидан**, журналист танлаган мавзусидан келиб чиқиб, интервьюдан кўзланган мақсадни ва ўзининг касбий позициясини аниқ белгилаб олади. **Иккинчидан**, суҳбатдошининг барча жиҳатлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилиши, ҳисобга олиниши, ҳатто саволларнинг тузилишидан тортиб, суҳбатдошининг хато қилиши мумкин бўлган ўринларни ҳам инобатга олади. **Учинчи босқич** техник ва ташкилий таъминотни тўғрилаб қўйиш. Яъни суҳбатни қаерда, қандай шароитда, нималар, қандай интерьерлар олдида олишни ҳам белгилаб қўйиш интервьюга тайёргарлик кўришнинг бири туридир. Аммо тан олиш керакки, амалиётда журналистлар интервьюга тайёргарлик кўришни билсалар-да, кўпинча биринчи-иккинчи босқич билан кифояланиб, учинчи босқичга унчалик эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, мулоқот психологиясида айнан техник ва ташкилий тайёргарликнинг аҳамияти интервьюнинг самарали чиқишини таъминлашга таъсир кўрсатади.

Жуда камдан-кам ҳолларда тайёргарликсиз интервью олиш мумкин. Кўпинча эксклюзив интервьюларни тўсатдан, тайёргарликсиз олишга тўғри келади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, интервью берувчига тааллуқли маълумотларнинг икир-чикиригача биладиган журналист респонент меҳри ва

¹³ Фихтелиус.Э. Журналистиканинг ўн қонидаси. -Т.: Шарқ НМАК..2002. -Б.68.

ишончини қозонади. Бу эса яхши интервьюнинг муваффақиятли чиқиши таъминлайди.

Интервьюни муваффақиятли ўтказмоқчи бўлган журналист саволларни нафақат топқирлик билан тузиши, балки суҳбат объектни ўрганиш билан бир қатори у олиб бормоқчи бўлган интервью шаклини олдиндан ҳаёлан тасаввур қила билмоғи зарур. Суҳбатдош билан қандай қилиб мулоқотга киришади, уни қандай саволлар билан сийлайди, суҳбат давомида кескинлик юзага келмайдими, суҳбатдошга берилган саволлар унинг шахсига лойиқми, унда норозилик кайфияти уйғонмайдими, журналист тайёрлаган саволлар суҳбатдошни меъдасига тегмайдими, шуларни яхшилаб ўйлаб, сўнг интервьюга йўл олса бўлади. Албатта, бундай ҳолатда энг яхши усул журналист ўзи тайёрлаган саволларни ўзига-ўзи бериб уни синаб кўриши ва суҳбатни қандай олиб бориш устида жиддий бош қотириши зарур”¹⁴.

Дарҳақиқат, интервью жанрининг асосий конструкциясида савол муҳим ўрин эгаллаб, у мавзунинг самарали очилишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда гапиришдан аввал, саволнинг ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтмоқ жоиздир.

Савол – суҳбатдошнинг фикрлари ҳаракатини бошқариш орқали мавзуга оид муайян ахборотни олишга мўлжалланган мантиқий шаклдир.

Савол – маълумот ва ахборот олишдаги муҳим восита бўлиб, у интервью жаранёнини ташкил этиш ва бошқаришда йўналтирувчи хусусиятга эга. Чунки интервьюда журналист томонидан берилган савол муайян жавобни талаб этса-да, баъзан қутилмаганда жавоб бўлмаслиги, жавоб чиқмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун интервью олувчи журналист томонидан саволнинг тўғри ва аниқ қўйилиши суҳбатдошни жавоб беришдан қайтара олмайди.

Рус тадқиқотчиси Т.В.Шумилинанинг “Не могли бы рассказать метод интервью в журналистике” деб номланган китобида интервьюга тайёргарлик кўришнинг муҳим шартларидан бири сифатида саволларнинг ишлаб

¹⁴ Лукина.М.Технология интервью.М.,2005. -С. 98.

чиқилганлиги кўрсатилади. Шу билан бирга унинг таъкидлашича, интервьюда савол-жавоб қанчалик муҳим бўлса, бир пайтнинг ўзида шунчалик номуҳим ҳам бўлиши ҳам мумкин. Яъни аниқ бир мавзу доирасида бошланган интервьюда баъзан умуман саволга жавоб бўлмайди. Бу билан айтмоқчи бўлганимиз, шакл ва мазмун жиҳатидан интервьюнинг ўз кўриниши, талаблари, қоидалари бўлгани билан, уларни қатъий қотиб қолган қонуниятлар деб ҳам бўлмайди. Яъни журналист берган саволларга жавоб бериш суҳбатдошнинг мажбурияти эмас, агар у хоҳласа жавоб беради, хоҳламаса йўқ. Шу нуқтаи назардан интервьюнинг жонли, самимий ва самарали чиқиши кўп навбатда журналистнинг маҳоратига боғлиқ.

Юқоридаги китобда тадқиқотчи, саволларни **шаклига кўра: очик, ёпиқ, бевосита, билвосита, шахсий ва шахсий бўлмаган; вазифасига кўра: асосий, назорат қилувчи, мавҳ этувчи; суҳбатдошга таъсир этишига кўра: холис, қуюшқондан чиқарувчи** турларга бўлиб кўрсатади. Шунингдек, суҳбатнинг самарали чиқиши нафақат журналистнинг топқирлиги, жиддий тайёргарлиги, балки суҳбатдошнинг саволларга қандай жавоб берганига боғлиқ.

Интервьюга тайёргарлик кўриш жараёнида саволларнинг тузиб олиниши масаласи журналистлар орасида кенг мунозарага сабаб бўлади. Чунки олдиндан тузиб олинган саволларнинг психологик аҳамияти катта бўлишига қарамай, аксарият журналистлар уларни олдиндан тузилганлиги учун ҳам интервьюни эркин ташкил этишга ҳалақит беради, деган субъектив қараш устунлик қилади. Бундай қарашнинг бўлиши табиий. Чунки журналист мавзуни, суҳбатлашиши керак бўлган қаҳрамон шахсини ўрганганлиги учун ўзини эркин интервью олишга тайёр сезиши мумкин. Аммо савол тайёрламаслик ҳам мантиқий жиҳатдан тўғри эмас. Гоҳида интервью олмоқчи бўлган қаҳрамонни яхши ўрганган журналист ҳам суҳбат чоғида “қовун тушириб” қўйиши мумкин. Айнан шундай журналистлар бутун журналистларга бериладиган баҳога сабабчи бўлиб қоладилар. “Шу журналистларга ҳайронман,

“Қачон ижодга кириб келгансиз?”, “Оилангизни таъсири қандай бўлган”, “Шу лаҳзада нимани ҳис қиляпсиз?”, “Агар ҳаётни қайтадан бошлаш имкони бўлганда, қандай бошлаган бўлардингиз?”, каби сийқаси чиққан саволлардан нарига ўтолмайди. Улар китоб ўқийдиларми, ҳеч газета-журналларни варақлайдиларми? Бу журналистлар шу ерликми ёки бошқа жойдан келишганми...деб юборасан” деганди, таниқли сўз устаси Ортиқ Султонов ўзаро суҳбатларнинг бирида. Шунинг учун интервьюни ҳеч бўлмаганда рисоладагидек савол билан бошлаш учун ҳам савол керак. Қолаверса, интервьюга тайёр журналистни кўрган суҳбатдош у билан ҳисоблашади. Ўзини интервью беришга мажбур деб ҳисоблайди. Мутахассислар эса саволнинг нима учун муҳимлигини шундай изоҳлайдилар: **Биринчидан**, савол тузиб олиш журналистнинг интервьюга қайсидир маънода тайёрлигини, руҳий хотиржамлигини таъминлайди. **Иккинчидан**, суҳбатдошнинг мавзудан четга чиқиб кетишини чегаралайди. **Учинчидан**, суҳбатдошга саволлар орқали аниқ кўрсатма беради, уни фактлар, далиллар орқали гапиришга ундайди. Рус шоири Андрей Вознесенский ўзининг бир шеърида “ҳақиқат жавобда эмас, берилаётган саволда” деб ёзган эди. Демак, саволнинг моҳияти жавоб талаб қилишидадир.¹⁵

Шу ўринда амалиётчи журналист Девид Рендалл ўзининг “Универсал журналист” китобида энг яхшиси, саволларнинг соддалигидир, муҳими интервьюни бошлаб олиш учун муносиб саволни топа олишда, қолганларини суҳбат ичида бериб бориши мумкин.

Журналист ўз интервьюсининг қандай кечишини олдиндан аниқ режалаб олиши зарур. У суҳбатни оддий саволлар билан бошлаб мураккаб саволларни охирида бергани мақсадга мувофиқ. Журналист суҳбатдош ўзини эркин ва бамайлихотир ҳис қилиши учун қулай муҳит яратиши зарур. Буни журналист ҳисобга олиши керак.

¹⁵ Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. –Т.: 2013 .

Интервьюни журналист бошқаради. Шу билан бирга ўзи билан суҳбатлашишга келган қаҳрамонларнинг ҳам шахс эканлигини унутмаслик керак. Баъзилари гапга уста сўзамол бўлади, баъзилари аксинча, “оғир карвон” зўрға гапирадиган бўлиши мумкин. Сўзамоллар бир икки “чўқиш”да журналистга гап бермай қўяди, ўзи билмаган ҳоода у бошқарув пултини суҳбатдошига бериб қўяди. Баъзан аксинча суҳбатдош гапиролмай, журналист жавоб ололмай қийналади. Бунжай жараёнлар ҳақида Мария Лукина шундай дейди: “Ҳар бир интервьюда маълум бир мавзу ва қаҳрамон бўлади. Журналист қаҳрамон ортидан эргашмаслиги, балки уни ўз ортидан эргаштира олиши зарур. Саволлар ҳам унга мос келиши зарур. Ўз даврининг буюк файласуфи Гёте айтганидек, ҳар ким қандай эшитса, шундай қабул қилади. Интервьюда ноаниқликлар бўлмаслиги учун ҳар бир фактни респондентдан сўраб суриштириш керак. “Интервьюга тараддуд кўраётган журналист шу тўрт нарсани ёдида тутсин”- дейди Лорд Морли “ Мулоқотда 3 нарсаси муҳим: Ким гапиряпти? Қандай гапиряпти? Нимани гапиряпти? Бу саволлардан энг зарури суҳбатдош нимани гапириб бераётганинга журналистнинг муносабатидир. Ҳар бир журналистнинг суҳбатдан аниқ бир мақсади бўлади. Бу мақсад суҳбатдошининг фикрларини ўқувчига ҳам инсон ва ўз касбининг устаси сифатида очиб бера олишидадир”¹⁶.

Интервьюни олиб бориш психологиясига қараб ҳам саволларнинг турлари бор. Мавзуимизга қисман алоқадор бўлганлиги боис, уларга алоҳида тўхталмоқчи эмасмиз. Шунга қарамай саволларнинг олдиндан тузилганлиги журналистнинг ўзига бўлган ишончини оширса, респондентни муайян чегарада ушлаб туришини таъкидлаш жоиз, назаримизда. Чунки шундай суҳбатдошлар бўлиши мумкинки, улар битта саволга жуда узоқ гапириши мумкин. Шундай ҳолатларда мавзуни жонлантириш, давом этказиш ёки бошқа ўзганга буриб юбориш учун журналист, савол орқали қандай ўтишни билиши керак.

¹⁶ Лукина М. Технология интервью. - М., 2005. –С. 100.

Интервьюга тайёргарлик кўриши жараёнида мувафакқиятли бўладими ёки йўқми олдиндан тузиладиган саволлар журналистнинг ўйлаган мавзуси, режаси, дастури, ихтиросининг сифатини белгилайди. Бунда бўлғуси суҳбатдошни қандайдир сабаблар туфайли ноқулай аҳволга солиб қўймасликни ўйлаб, имкон қадар саволларни аниқ тузиш муҳим. Бу қайсидир маънода “ўзига ёрдам” беришнинг усулларида бири ҳисобланади. Чунки нафақат мавзу жиҳатдан, балки психологик жиҳатдан тайёргарлик орқали суҳбатнинг эркин боришига шароит яратиш фавққлодда заруратдир.

Шу ўринда ҳар қандай журналистик асарнинг асосини билим ташкил этишини яна бир бир таъкидлашни истардик. Гарчанд техник жиҳатдан интервью шаклан осон бўлиб кўринса-да билимдонлик унинг муаллифларига фақат фойда беради. Бу дегани журналист интервью жараёнида ўзининг қанчалик билимдон эканлиги намойиш этиш дегани эмас. Журналист ва ресципиент орасида бўладиган интервьюда суҳбатдош учун тингловчининг ўрни жуда катта. Шу боис, суҳбатдошга савол берган журналист, уни тўғри тинглашни ҳам билиши зарур. Бу журналистнинг профессионал маҳоратидан дарак беради.

Интервью жараёнида суҳбатдошларнинг нутқ ижро этиши ва уни истеъмол қилиш амаллари алмашилиб, сўзловчи, тингловчи мақомига ўтиб, ўзига хос “роллари” бажаради. Бу интервьюнинг ривожланиб боришини бошқаради. Яъни муайян мақсадга эришишда ҳамкорликда фаолият олиб бориш жараёни юзага келади.

Интервьюга жон бағишлаш, суҳбат маромига мос саволлар бериш учун журналистда тинглаш қобилияти бўлмоғи керак. Интервьюга тайёргарлик кўриш, саволлар тузиш-у, уни ёдлаб олиш бу ишнинг ярмидир. Ўз суҳбатдошини жон қулоғи билан тинглаш бу мувафакқиятли интервьюнинг иккинчи ярмидир. Жуда изчил тайёргарлик натижасида журналист ўз саволларини шунчаки бефарқ бериши ёки суҳбатдошининг жавобларини тингламаслиги мумкин. Бундай муносабатдан бир маромли, совуқ интервью

туғилади. Тинглаш қобилиятига эга бўлган журналист айти чўғда вазиятдан чиқиб кетиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим.

“Кўп ҳолларда ҳамма нарсани ҳам тушуниб ета олмайман – дея тан олади “Комсомольская правда” газетаси шарҳловчиси Я.Галованов, – менимча, бу журналист учун табиий ва қонунийдир. Бироқ жавоб олишни истаган саволлар моҳияти билан олдиндан танишиб чиқмасдан лобаротория ёки олимдан интервью олишга асло ошиқмайман. Бу иқдор ўртағиёна журналистни эмас, балки Бауман номидаги олий техника билим юртини битирган, илмий-текшириш институтида иш тажрибасига эга, фан ва техника соҳасидаги кенг масалалар билан шуғулланувчи мутахассисга, ОАВ соҳасида катта шухрат қозонган журналистга тегишлидир. Бу журналист ўз суҳбатдошлари – олимлардан: “Мен билан суҳбатлашганда ўзини синф ўқувчисининг билим даражасидан ошириб юбормаслигини сўрайман, чунки “Комсомольская правда” ўқувчиларининг катта қисми билим даражаси шундайдир. Мен билан эмас муштарийлар билан суҳбат қуришини хоҳлайман,- дейишдан ор қилмайди.

Интервьюда журналистнинг мақоми интервью мавзуси ва мақсадини белгилашда ташаббускор бўлиш ҳамда нутқий фаолиятнинг айнан шу мақсадга мос тарзда кетишини – ҳамкорлигини таъминлашни бошқаришдан иборат. Мақсадга етмоқ учун суҳбатдошнинг шахсий ва ижтимоий мақомини, ҳаётини нуқтаи назарини, воқеликка муносабатини ҳурмат қилиш ҳам муҳимдир.

Шундай қилиб, журналистик фаолиятда интервьюнинг тутган ўрнини иккита аспектда яъни ахборот олиш усули сифатида ҳамда ахборот жанри намунаси сифатида муҳим эканлигини эътироф этган ҳолда уларнинг ичида мулоқотга киришишда интервью жанрининг ўрни ва аҳамияти, унинг коммуникатив жараёнлардаги ўзига ҳослигини, жанр сифатидаги муҳим хусусиятлари ва уни ташкил этишга жиддий тайёргарлик кўришни тақозо этишини биринчи бобда кўтарилган масалалар мисолида кўриб чиқиб қуйидаги хулосаларга келдик.

Коммуникация жараёнларини мулоқотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу мулоқотларнинг ичида энг муҳими, шахслараро мулоқот - интервьюдир. Журналистиканинг ахборот жанрлари сирасига кирувчи, муайян мақсадда, аниқ бир мавзуга бағишланган интервью эса мулоқотнинг бир кўринишидир. Журналистик асарлар орасида интервью содир бўлган воқеа-ходисалар ҳақида уайян мавзуга оид янгиликларни шахс орқали беришда, мавзуга ойдинлик киритишда, маълумотларни олишда ва шахс сифатида суҳбатдошнинг фикрлари, шахсий мулоҳазалари орқали ҳаёт ҳақиқатини аниқлашга хизмат қилади.

Журналистик асар сифатида интервьюнинг ўз қонуниятлари, талаблар бор. Унда мавзунини ўрганиш, қаҳрамон танлашдан тортиб, жараёнга турли йўللار ва усуллар орқали тайёргарлик кўриш интервьюнинг самарали чиқишида жуда катта аҳамиятга эга. Афсуски, амалиётда журналистлар бу қонуниятларга кам эътибор берадилар. Шу билан бирга интервью жараёнида иштирок этувчиларнинг бажариши лозим бўлган ўз вазифалари, мажбуриятлари, шунингдек ҳуқуқ ва манфаатлари бор. Иккала томон ҳам ана шу ҳуқуқ ва манфаатлардан келиб чиқиб интервью жараёнида иштирок этишлари орқали бу ишга масъулият билан ёндашган бўлардилар.

2.1. Интервью олишнинг психологик мақсади.

Биз олдинги бобда ахборот жанрлари ичида интервьюнинг коммуникатив жараёнларда тутган ўрни, ахборот олишдаги ўзига хос хусусиятлари, жанр сифатида унга қўйиладиган специфик талаблар, интервьюнинг турлари ва интервьюга тайёргарлик кўришнинг муҳим жиҳатларига илмий назарий манбаларга таяниб, атрофлича тўхталдик. Ушбу бобда интервью олишнинг психологик мақсади, уни амалга оширишда журналистнинг ўрни ва роли, касбий маҳорати масалаларига адабиёт ва санъат соҳасига ихтисослашган нашрлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда Россия Федерациясининг “Литературная газета”ларида 2014-2015 йилларда чоп этилган интервьюлар мисолида кўриб ўтамиз.

Таъкидлаш жоизки, интервью жанрининг олдида қўйган мақсади, муайян мавзу, воқеа-ҳодисага тегишли мутасадди шахсдан савол-жавоблар орқали аниқлик киритиш, бирор бир янгиликдан оммани хабардор қилишдир. Унинг объекти, ахборот манбаси, жамиятнинг турли соҳасида фаолият олиб боровчи кишилардир. Бу ҳақда гап кетганида интервьюнинг мураккаб ва ўз навбатида кўп меҳнат талаб қиладиган касбий жараён эканлигини эътиборга олиш зарур. Шу нуқтаи назардан интервьюда журналистнинг мақоми, мулоқот мавзуси ва мақсадини белгилашда ташаббускор бўлиш ҳамда нутқий фаолиятнинг айнан шу мақсадга мос тарзда кетишини – ҳамкорлигини таъминлашни бошқаришдан иборат. Бундан ташқари журналист интервью олишдан фақатгина журналистик асар яратишни кўзлабгина қолмай, интервью объектининг, яъни суҳбатдошининг шахсий ва ижтимоий мақоми, ҳаётий нуқтаи назарини, воқеликка муносабатини ҳам аниқлаши керак бўлади. Бу эса журналистдан ўзига хос психологик тайёргарликни ҳам талаб этади.

Интервью - фақатгина икки кишининг бир мақсад сари савол-жавоб орқали амалга оширадиган биргаликдаги ҳаракати бўлиб қолмай, журналист билан суҳбатдошнинг ўзаро боғлиниши, дилдан суҳбатлашиши, алоқага киришиши

хамдир. Шу муносабат билан журналист интервью олишда интервьюнинг техник қурилмаларига риоя этган, унинг энг оптимал вариантыни ярата олиши зарур. Бу жараёнда у интервьюнинг ташқи талабларини бажариш билан бирга, унинг турли, ички талабларини ҳам кўра билиши керак.

Демак, **журналистлар** мулоқотнинг ҳеч бўлмаганда иккита специфик талабни яхши билиши керак. **Биринчи талаб** — бу журналистда ахборотга эга бўлган суҳбатдошни ўзига жалб қила олиш кўникмасининг мавжудлиги. **Иккинчи талаб** — журналистнинг мулоқотга жиддий тайёргарлик кўриши керак¹⁷.

Таъкидлаш жоизки, интервьюда журналист кутилган натижаларга эришиши бир қатор вазифаларни тўғри бажариш орқали эришади. Булар биринчидан, зарур ахборотни, ҳужжатни ўрганиш, мавзулар, адабиётлардан, шунингдек, мутахассислар билан учрашувлардан тўплаш ва ўрганиш зарур. Иккинчидан, олдинда турган интервью турини қатъий белгилаб олиш зарур. Бундай интервью турлари биринчи бобда тўхталган эдик. Яъни, интервью — хабар (бирор ҳодиса ҳақида янги маълумот олиш мақсадида ўтказилади), диалог -интервью (журналистни қизиқтирган масала, мавзунинг ойдинлаштиришга суҳбатдошнинг жавоблари ёрдам беради) монолог —интервью (муайян мавзу бўйича суҳбатдошнинг шахсий мулоҳазалари).

Ўрганиш объектимиз бўлган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда “Литературная газета”лардаги интервьюларда кўпроқ диалог-интервьюлар ташкил этади.

Интервью жонли бўлганлиги сабабли унинг ўзига хос вазифалари бор. Журналистнинг биринчи ва асосий вазифаси интервью орқали суҳбатдошнинг фикрини аниқлаб олишдир. Журналист интервью жараёнида имкон қадар бетараф бўлиши ва бу интервью жараёнини стихияли тарзда амалга ошишига олиб келмаслик керак. Шу нуқтаи назардан мулоқотга киришишда нима муҳим, деган саволга Г.Лазутина камида бешта асос бўлиши муҳимлигини

¹⁷ Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. —Т., 2013. —Б.79.

таъкидлайди. Булар: **фактик маълумотлар, фикр, тушунча, таклиф, башорат.**^{*18} Зеро, ҳар бир асосни турлича тушуниш, талқин қилиши мумкин. Масалан, фикрнинг ўзи ижобий (позитив) ёки салбий (негатив)га бўлинади. Фактларнинг ўзи ҳам иккига: асосий ва асосий бўлмаган фактларга бўлинади ва хоказо. Табиийки, бу жараёнларга тайёргарлик кўриш ҳам ҳаммада бир хил кечмайди. Бу жараёнида журналистдан интервью давомида суҳбатдошнинг хулқи билан боғлиқ нозик жиҳатларга эътиборли бўлишни ва муайян тактик усулларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Биз таҳлилга тортган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда “Литературная газета”ларда битта умумий ҳолатни кузатиш мумкин. У ҳам бўлса, ушбу нашрларнинг адабиёт ва санъат соҳасига ихтисослашганидир. Тадқиқотимиз давомида ҳар учала нашрнинг интервьюни ташкил этиш жараёни турличалигига гувоҳ бўлдик. Шундан келиб чиқиб, биз газетада чоп этилган адабиёт соҳасига оид 40дан ортиқ интервьюни таҳлилга тортдик. Уларнинг аксарияти ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, музей ходимлари билан интервьюлар қилинган. Ушбу интервьюларни таҳлил қилганимизда ҳар бир нашрнинг ўз ёндашуви борлигига гувоҳ бўлдик. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, “Ўзбекистон адабиёти санъати газетаси” Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг нашри бўлганлиги учун газетадаги интервьюларда мавзулар ҳилма-хиллигини кўриш мумкин. Шунингдек интервьюга таклиф қилинган қаҳрамонлар ҳам турли соҳалар вакиллариidir. Жумладан, **газетанинг 2014 йил, 7-март, 10- сонида “Учрашув”** рукни остида, “Раънонинг маъноли талқинлари ”сарлавҳали интервью муаллиф Лобар Қобулова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, “Эътироф- 2013” танлови совриндори Раъно Шодиева билан қилинган интервьюда кинода ижодкорнинг ўрни, “мени” ва санъатга муносабат масалалари ўрин олган. Газетанинг 2014 йил, 3-январь 1-

¹⁸ Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста - М.: «Аспект Пресс», 2001

сонининг “Кино ва замон” рукнида, “Мезон – бадийлик ва ҳаётйлик” сарлавҳа остида Ўзбекино” миллий агентлик лицензиялаш, аудиовизуал маҳсулотларни эксперт баҳолаш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлими бошлиғи Рустам Шарипов билан (муаллиф Шохрух Абдурасулов), интервью чоп этилган. Академик Азиз Қаямов билан Ҳумоюн Акбаровнинг (2015 йил, 27-март, 13-сон) “Бу бўстон сахнида” рукни остида “Ҳамма гап –устозда!” деб номланган интервью – суҳбати устоз-шогирд ибрати хусусида ва Навоийнинг устозлари ҳақидадир. Газета мухбири Гулчеҳра Умарованинг иккита интервьюси (**“ЎзАС” 2015 йил 20 март, 12-сон**) “Учрашув” рукнида “Кўнгил дури ичра гуҳар сўз эрур” сарлавҳали интервьюда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, педагогика фанлари номзоди Адиба Носирова ҳамда (**“ЎзАС” 2014 йил, 28-феврал, 9-сон**) “Кўшиқ – кўнгил чироғи” деб номланган интервью Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Қаямов билан қилинган. Газета мухбири Нилуфар Намозованинг филология фанлари номзоди Сайёра Холмирзаева билан қилинган интервью атоқли ёзувчи Шуккур Холмирзаев ижодига бағишланади. Бундай турли мавзулардаги интервьюларни яна давом эттириш мумкин.

“Китоб дунё”си газетасидаги интервьюларни ўрганганимизда улар шакл ва мазмун нуқтаи назаридан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган интервьюлардан фарқ қилишига гувоҳ бўлдик. Ушбу газетада кўпроқ ёзувчилар шахсига эътибор қаратилади. Масалан, газетанинг 2014 йил, 11 июнь, 11-сонидида ёзувчи Дадахон Нурий билан Жамолиддин Муслимнинг “Оқшом кўшиқлари”дан “Ниқобсиз Америка...”гача сарлавҳали, 2014 йил, 8 октябрь 19-сонидида “Бизнинг меҳмон” рукнида грузиялик шоир, таржимон Владимир Саришвили билан Гўзал Бегимнинг “Сўзимнинг қаноти” сарлавҳали, 2014 йил, 12 февраль 3-сонидида чувашиялик ёзувчи Валерий Петровский билан яна Гўзал Бегимнинг “Қалбдаги тумор” сарлавҳали, 2014 йил, 12 февраль 3-сонда машҳур Бразилия адиби билан Пауло Коэло билан журналист Шухрат Сатторовнинг “Одам болалари адабиётсиз яшай олмайдилар!” сарлавҳали, 2015

йил, 11-февраль, 3-сонида таржимон Бобохон Муҳаммад Шариф томонидан Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор билан қилган “Жиддий адабиёт эрмак эмас” сарлавҳали интервьюси ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Россия Федерациясининг отахон нашрларидан бири бўлган “Литературная газетаси” да чоп этилган интервьюлар мазмун-йўналиши жиҳатидан “Китоб дунёси” газетасига сал яқин келади. Унда ҳам асосан, ижодкорлардан, ёзувчи ва шоирлар билан қилинган интервьюларга кўпроқ жой ажратилган. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, газетанинг 2014-2015 йил сонларида рус ёзувчиларидан В. М. Воскобойников, Владимир Бушин, Владимир Бондаренко, Юрий Козлов, Александр Шолохов, Наталья Моловцева, Олег Попцов, Юрий Бондарёв ва бошқалар билан интервьюлар уюштирилган ва газетада чоп этилган.

Ҳар уччала нашрда ҳам интервьюлар мазмунидан унга қандай тайёргарлик кўрилгани сезилади. Айниқса бу жиҳатдан “Китоб дунёси” ва “Литературная газета”си бир-бирига ўхшаб кетади. Журналистлар суҳбатлашадиган объектини обдон ўрганадилар, кузатадилар. Бу кузатиш шунчаки материал тўплаш учун зарур бўлган мажбурий кузатиш эмас. Журналист суҳбатдошини турли ракурсларда, аниқроғи ШАХС, МУТАХАССИС ҳамда ИЖОДКОР сифатида ўрганилади. Асосий урғу интервью қаҳрамонининг ижодкор сифатида шахсий индивидуал ёндашувини очиб беришга ҳаракат қилинади. Объектнинг ўрганилиши даражасини у ҳақида интервью бошида бериладиган, қисқача маълумот – **досье**дан ҳам билиб олса бўлади. У орқали интервью қаҳрамони яна бир бор ўқувчига таништирилади. Жанр сифатида интервьюнинг хабар, янгилик бериш хусусиятини ана шу жиҳатда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, “Китоб дунёси” газетасининг 2015 йил, 11-февраль, 3-сонида таржимон Бобохон Муҳаммад Шариф томонидан Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анор билан қилган “Жиддий адабиёт эрмак эмас” сарлавҳали интервью шундай бошланади: “Анор (Ризаев Анор Расул ўғли) носир, драматург, кинодраматург. 1938 йилда туғилган. 1964 йилдан

Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1976), Давлат мукофоти лауреати (1980), Озарбайжон халқ ёзувчиси (1998), Озарбайжон Республикасимиллий Мажлиси депутати (1995, 2000), Миллий Мажлиснинг маданият масалалари доимий комиссияси раиси, 1998 йилда “Истиклол” ордени билан мукофотланган”.¹⁹ Худди шундай маълумотни “Литеартурная газета”сида “ЛГ”-ДОСЪЕ” номи остида интервьюга келган ҳар бир ёзувчи таништирилади. Унинг туғилган йили, шаҳри, оилавий аҳволи, олган таълими, ижодий фаолиятининг бошланиши, интервью қаҳрамонининг қандай китоблар ёзгани, қандай унвонлар олгани, қандай халқаро танловларда ғолиб бўлгани ҳақида маълумот берилади.

Масалан: “Воскобойников Валерий Михайлович - прозаик, публицист, драматург. 1939 йили Ленингадда педагоглар оиласида туғилган. Биринчи маълумоти бўйича – кимёгар. 1973 йили Олий адабиёт курсини тугатган. Бир неча ўнлаб болалар учун ёзилган китоблар ва 20 га яқин радиоспектакллар муаллифи. С.Я. Маршак, А.С. Грин номидаги мукофотлар лауреати, «Ажойиб болалар ҳаёти» номли китоблар серияси жаҳоннинг энг яхши болалар китоблари рўйхатидан ўрни олганлиги 2000 йилда учун Г.Х. Андерсен номидаги халқаро фахрий диплом соҳиби «Кумуш Литера», «Россиянинг биринчи проваславлар китоби» мукофотлари ғолиби, Федерал матбуот агентлигининг «Алвон елканлар», «Ҳавасдаги орзу» миллий болалар мукофоти, Россия ҳукуматининг маданият соҳасидаги мукофотларига сазовор бўлган»²⁰.

Ҳар бир ёзувчи ёки шоир билан қилинган интервьюда шундай досье берилади. Бу газетанинг анъанасига айланган дейиш мумкин. Мана шу маълумотнинг берилишини ўзи ҳам журналистнинг интервью жараёнига қандай тайёргарлик кўрганидан далолат беради. Чунки қаҳрамоннинг шахси билан боғлиқ маълумотлар, манбалар йиғилиши жараёнида журналист қаҳрамонини яқиндан ўрганади.

¹⁹ “Китоб дунёси”// 2015 йил, 11 февраль, 3-сон.

²⁰ «Литературная газета»// 02. 04. 2014 г. № 3

Энди ана шу тайёргарлик жараёнини “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мисолида кузатадиган бўлсак, у интервьюга нисбатан “Китоб дунёси” ёки “Литературная газета” сингари талаб қўймайди. Газета интервьюлари қаҳрамонлари актрисалар, олимлар, қўшиқчилар, кино ёки театрнинг режиссёрлари, муайян соҳа раҳбарларидир. Газета ижодкорлари ҳам интервьюгага ўзига хос тарзда тайёргарлик кўришади, суҳбатдошини ўрганадилар, у ҳақида зарур маълумот йиғадилар. Аммо интервьюнинг мақсади ва яхлит композицияси унчалик сезилмайди.

Интервьюнинг самарадорлигини таъминлашда журналист шахси муҳим ўрин тутadi. Уларнинг интервью жараёнига қандай тайёргарлик кўриши, қаҳрамонини кузатиши, унинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни йиғишида ва шундан кейин интервью олишга киришишида кўринади. Таҳлилга тортган нашларимиз адабиёт ва санъатга ихтисослашагини яқорида таъкидлаган эдик. Энди интервью ташкил қиладиган журналистнинг ўзи бу соҳага қанчалик ихтисослашганини ўрганиш ҳам назаримизда жуда муҳим. Соҳага ихтисослашиш соҳага оид билимларни яхши ўзлаштириш билан белгиланади. Яъни, адабиёт ҳақида ёзувчи, шоир, танқидчилар билан қилинадиган интервьюлар олиши учун журналист жаҳон ва миллий адабиётнинг мумтоз ва замонавий кўринишлари ҳақида, ёзувчи ва шоирларнинг ижоди билан яқиндан таниши, улар ҳақида адабий жамоатчиликнинг фикрлари, уларнинг асарларига нисбатан танқидчиларнинг чиқишларидан бохабар бўлишлари керак. Буни биргина уларнинг қандай савол тузганликларидан билиб олиш мумкин. Масалан, “Китоб дунёси” газетасида интервьюга кўпроқ қўл урадиган муаллиф Гўзалбегим саволларни олдиндан тузиб олади Агар топган манбалари ичида бермоқчи бўлган саволига жавоб бўлса, уни бермайди. Интервью жараёнида диктофондан фойдаланади, суҳбатдошини кўпроқ тинглайди. У ўзи ҳам бадиий ижод билан шуғиллангани боис, кўпинча саволлари суҳбатдошнинг шахси, кўнгли билан боғлиқ бўлади. Гўзалбегим кўпинча кутилмаган савол орқали суҳбатда бурилиш қилишга интилади. Бу эса интервьюга ўзига хослик

бағишлайди. Мисол учун “Китоб дунёси” газетаси 2014 йил, 12 февраль 3-сон эълон қилинган “Қалбдаги тумор” сарлавҳали интервьюда чувашиялик ёзувчи Валерий Петровскийга шундай савол билан мурожаат қилади:

- **Гапирмоқ ва ёзмоқ сиз учун қандай маъно касб этади?**

- **Валерий Петровский:** – Гапирмоқ бу – ўз фикрингни тингловчига – китобхонга етказмоқдир. Менимча ёзиш ҳамиша ҳам сирли, тарихий ва кўлами кенг тушунча. Гапиролмаган ёзувчи ўз фикрини ёзиб етказиши мумкин. Ёзолмаган ижодкор эса гапириб етказолмайди. Ахир Хеменгуэй ҳам ёзган-ку: “Ҳақиқий ёзувчи айтадиган гапини айтиб эмас, ёзиб етказиши керак”, деб. Ахир ёзувчи ўз номи билан ёзувчи-да, айтувчи эмас”, деб жавоб беради. Ёки унинг “Бизнинг меҳмон” рукнида эълон қилинган грузиялик шоир, таржимон Владимир Саришвили билан қилган интервьюсида савол шундай берилади:

- **Шеър қандай ёзилади? Бу жараёни таърифлаш мумкинми?**

В.Саришвили: Шеърларимда ўзим ва туйғуларим ҳақида ёзаман, ўзимни янгидан кашф этишни хоҳлайман. Атрофимдаги бутун борлиқ менинг ичимда акс этади. Мен буни аниқ-тиниқ кўриб, ҳис қилиб тураман. Ёзаётган пайтимда шуни хоҳлайманки, одамлар – китобхон мени тингласа ва тушунса...

– **Шеър учун Сўзни қандай саралайсиз?**

– Мен сўз танлашга алоҳида куч сарфлайман. Негаки, у менинг ҳиссиётларимни – ғамим ва қувончимни, бахт ва бахтсизлигимни ўзида акс эттиради. Сўз баъзида тошдан ҳам оғир, баъзан қорпарчадан момикроқ туюлади...

Газетада чоп этилган яна бир интервью муаллифи Жамолиддин Муслим ҳам жараёнга жиддий тайёгарлик кўрганлигини унинг ёзувчи, публицист Дадахон Нурий билан қилган интервью орқали кузатиш мумкин. Масалан, у саволни шундай қўяди.

–...тасвирий санъат сирларини ўрганишга иштиёқингиз кучлироқ бўлган... “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилиниб, кейин китоб ҳолида босилган “Қулатилган чинорлар паноҳи” асарингизда ёзилишича, адабиётимизнинг икки забардаст намояндаларидан бўлган Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар қатори Ўзбекистоннинг машҳур мўйқалам усталари Абдулҳақ Абдуллаев, Чингиз

Аҳмаров ҳамда Юсуф Елизаровлардан рассомчилик сабоғини олгансиз. Улар билан танишувингиз қандай кечган?²¹

Ушбу савол музоҳазали бўлиш билан бирга қаҳрамонни бошқа ракурсда очиб бериш учун ўйлаб берилган савол. Муаллиф бунга эришган ва шу саволга жавоб орқали Дадахон Нурий шахси, ижодкорлик сифатлар билан боғлиқ ҳолда ўқувчига янгилик беради.

Интервью олиш жараёнида журналистнинг психологик тайёргарлиги ва соҳага ихтисослашганини “Литературная газета” Игорь Панин фаолиятида яққол намоён бўлганини кузатиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, газетанинг “Литература” – “Адабиёт” саҳифасида “Ёзувчи диктофон олдида” рукни остида бериладиган интервьюларнинг аксарияти Игорь Панин томонидан тайёрланади. У объекти бўлган ёзувчининг ижодини шунчаки ўрганиб қолмай, балки унинг ҳаётида кечаётган ўзгаришлар, қаҳрамони шахси атрофдида бўлаётган воқеа-ҳодисалар, гап-сўзларгача эътибор беради. Игорь Панин суҳбатдошлари билан кўпинча интерактив мулоқот олиб боради. Бу билан унинг интервьюга тайёргарлик жараёни автоматик тарзда амалга оширилади, деган хулосадан йироқмиз. Ҳатто бу масалада Игорь Панинда ранг-барангликни кузатиш мумкин.

Энди бевосита савол-жавоб қонунияти ҳақида тўхталиб ўтсак. Журналист ига интервью тайёргарлик кўриши жараёнида керакли саволларни танлаш, уларнинг аҳамияти ва кетма-кетлигини белгилаш асосий вазифадир. Уларни белгилаш умуман журналист чиқишининг муваффақиятини таъминлайдиган масъулиятли палладир. Саволларнинг сони интервьюнинг йўналиши, керакли маълумот ҳажми, интервьюга ажратилган вақтига боғлиқ бўлади. Вақт мезони эса интерактив ҳодисада муҳим аҳамиятга эга.

Саволлар интервью талабига кўра одатда қисқа (баъзан кенгроқ бўлиши ҳам мумкин), аниқ, тушунарли бўлиши, мавҳумлик, дудмолликдан ҳоли ёки “ҳа”, “йўқ” каби қисқа жавобларга йўл қўймайдиган бўлиши керак, улар оддийдикдан мураккабликка ўсиб борадиган йўсинда тузилиши лозим. Энг

²¹ “Китоб дунёси” // 2015 йил, 11 февраль, 3-сон

мураккаб саволлар эса жавоб бераётган суҳбатдош интервьюга тўлиқ киришганда берилади. Агар интервью давомида мавзунинг қизиқ жиҳатлари очилиб, коммуникатор янги йўналишда гаплашишни зарур ҳисобласа, режалаштирилмаган жиҳатларни очиб берувчи саволлар топади. Уларни олдиндан назарда тутиб қўйган бўлади. Бу ерда ҳамма нарса савол берувчининг қобилиятига, шароитни тушунишига, янги ахборотни баҳолай олишига боғлиқ.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси муҳбири Гулчехра Умарова кўпинча интервьюларида бериладиган саволни шунчаки савол деб бўлмайди. Тўғри, интервью жараёнида конкрет саволлар ҳам тез-тез учрайди, лекин аксарият саволларда такрорланиш ёки муаллифнинг негатив муносабати бор. Бу, суҳбатдошга беришда сўрамоқчи бўлган масала юзасидан аввал ўзининг қарашлар, ўйларини айтиб кейин суҳбатдошининг фикрини сўрайди. Масалан, газетанинг 2015 йил 20 март, 12-сонида “Учрашув” рукнида “Кўнгил дури ичра гуҳар сўз эрур” сарлавҳали интервьюда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, педагогика фанлари номзоди Адиба Носирова билан суҳбатлашган. Гулчехра Умарова шундай савол беради:

- Очигини айтганда, кейинги пайтларда аксарият театрларимизда сўзга эътибор ва талаффуз масаласи анча оқсаб қолгани кўзга ташланяпти. Нафақат катталар, балки болалар театрларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Сизнингча, бунинг сабаблари нимада?
- Дарҳақиқат, фақат театрларда эмас, ҳатто миллионлар аудиторияси бўлган радио ва телевидениеда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ваҳоланки, булар халқимизга, жумладан ёшларга илм-маърифат, маънавият, маданиятдан сабоқ берадиган минбарлардир. Одамлар сахна, экран, эфир орқали айтилган сўзларни тўғри деб ўйлайди, улардан андаза олади. Жавоб саволга мос эмас журналист сабабини сўраяпти, суҳбатдош тавсиялар кўрсатяпти.²²

²² “ЎзАС” //2015 йил 20 март, 12-сон.

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, савол оддий, шунчаки берилмаяти. Унда аввало эътироф, фикр, таъкид ва сўров унсурлари бор. Ана шу мураккаблик ҳар иккала томоннинг бевосита мулоқотга киришишини таъминлаган.

“Литературная газета”сининг 2014 йил 5 февраль, 5-сонида «Адабиёт» саҳифаси, “Ракурс дискурс билан” рукни остида газета мухбири Игорь Паниннинг ёзувчи, танқидчи, публицист, шоир, жамоат арбоби Владимир Бушин билан қилган «Читателей у меня немало...» -«Менинг ўқувчиларим кам эмас...» сарлавҳали интервьюсида саволни шундай қўяди:

– Кўпчилик сизнинг бошқа муаллифларга, айниқса Б.Окуджавага қилган «хужуми»нингизни кечиролмаяптилар. Айтишларича, сиз уларнинг номлари орқали ўзингизни «пиар» қилгансиз.

– Шу саволга жавоб: – Мен умуман, «пиар қилиш», «адекватлик», «комфортлик», «позициялашиш» деган сўзларни умуман ишлатмайман ва уларни ҳозир қандай маънода қўллаётганларини ҳам билмайман. Ҳар гал Д.Анатольевичга телефон қилиб Булат Окуджава ҳақида, унинг менга айрим ёққан ва ёқмаган кўшиқлари ҳақида сўрайман унинг иккита асари таҳлилига бағишланган иккита мақолам бор эди. Биринчиси, «ЛГ»да чоп этилган «Бечора Афросимов» қиссаси ҳақида, иккинчиси «Москва» журналида чоп этилган о «Путешествии дилетантов»- «Ҳаваскорнинг саёҳати» ҳақида эди. Таҳлил жараёнида мен фактлар орқали таниқли шоирнинг рус тилини яхши билмаслигини (масалан, «навзнич» -«чалқанча» ва «ничком» - «тубан, мука тушиб ётмоқ, юз тубан ётмоқ» деган сўзларни адаштириб юборган) ва тарихдан чалказган («зуавов» -зуавлар «с зулусами» зулуслар билан адаштирган) ва эски рус турмушини ёмон билишини таъкидлаганман ва бу нотўғри эмас²³.

²³ «Литературная газета» // 5.04. 2014, №5.

Андрей Вознисенский бир шеърида “хақиқат жавобда эмас, берилаётган саволда” деб ёзган эди. Зеро, савол қанчалик мантикий жиҳатдан тўғри қўйилса, жавоб ҳам шунга яраша маъноли ва тугал бўлади.

Юқоридаги ҳар уччала газетада ҳам интервьюнинг ташкил этилиши, журналистларнинг бу жараёнга тайёргарлиги, интервью олишга танланган суҳбатдошларнинг кўпроқ интеллектуал салоҳият, теран дунёқараш, ижтимоий ҳаётда ўзининг муносиб мавқеиغا эга ШАХСларга эътибор қаратадилар. Бундай шахслар билан интервью уюштириш учун коммуникатор, албатта ўзининг муайян касбий позициясига эга, кенг дунёқарашли, юқори интеллектуал соҳиби бўлган журналист, бошловчи, шарҳловчи бўлиши талаб этилади. Ана шундагина томонлар ўзаро интерактив мулоқотга кириша оладилар. Гарчанд интервью жараёнида журналист коммуникатор сифатида интервьюни бошқарса, журналист интерактив мулоқотнинг бошқарувчиси эмас, балки иштирокчисига айланиб қолади.

Биз интервью уюштириш учун журналист мавзу ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши, у ҳақидаги адабиётлар билан етарлича танишиб чиқиши, ҳаттоки респондентининг ҳаёти, унинг фаолияти, қизиқишлари билан боғлиқ мавзуларни билиши керак деб айтдик. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда “Литературная газета”ларда чоп этилган интервьюларнинг муаллифлари ҳам бу жиҳатга катта эътибор қаратишларига гувоҳ бўлдик. Яъни, интервью жараёнида журналист савол берар экан, турли иқтибослардан ёки буюк мутафаккирларнинг фикрларидан фойдаланиш орқали ўз мақсадини ифодалашга уринадилар. Кўринадики, интервьюга изчил тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш Игорь Панин, Гулчехра Умарова, Гўзалбегимларнинг ижодий кредоси ҳисобланади. Бу журналистларнинг уюштирган интервьюларидан фақат ахборот олмай, балки шу масала юзасидан ўзини қизиқтирган, гоҳида қийнаган саволларига ойдинлик киритади. Шунингдек, интервьюларда берилаётган саволларнинг замирида муаммо ётиши коммуникаторни бевосита суҳбатдошнинг савияси, билими,

дунёкараши, шахсий позицияси билан боғланганлиги нафақат муаммога ойдинлик киритишга, балки коммуникатор ва у орқали ўқувчини ҳам мулоҳаза юртитишга чорлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар уччала газета журналистлари интервьюларга алоҳида тайёргарлик кўришлари, уларнинг журналист сифатида, ижодкор сифатида аввало ўзлари олдида, қолаверса, жамият ва халқ олдида масъулиятни ҳис қилишидан дарак беради. Улар асосан адабий суҳбатлари орқали жамиятдаги ижтимоий мавзуларни очиб беришга, ойдинлик киритишга уринишади. Бу жараёнида ҳар иккала томон, тенг мулоқотга киришган ҳолда фикр алмашади, аудиторияга ахборот етказди. Бу ўринда гарчанд интерактивликка эришилган бўлса ҳам, уни таъминлашда масъулият кўпроқ журналистнинг зиммасига тушади. Шунингдек, суҳбатдошга нисбатан журналист имкониятларининг ортиқлиги ҳам унинг савол беришида кўзга ташланади. Саволнинг пухта ўйланган, салмоқли, ўринли эканлиги суҳбатдошни гапиришга (азбаройи шу масалага қизиққан, ёки муаммо устида қайғурган бўлса) саволга жавоб қайтаришга ундайди ҳамда журналистнинг интервьюни бошқарувчи сифатидаги вазифасини тўлиб бажаришга имкон яратади. Зеро, интервьюнинг мазмунли чиқиши кўп жиҳатдан журналистнинг бошқарувчи сифатида масъулиятини қай даражада ҳис қилганига боғлиқ.

2.2. Журналистнинг бошловчилик роли.

Интервьюнинг кўнгилдагидай чиқиши журналистнинг бошловчининг маҳоратига боғлиқ. Бу ерда фақат касбий билим билан бирга журналист мулоқот психологиясини яхши билмоғи жуда муҳим. Мулоқот психологиясининг асосий шартларидан бири бу — коммуникабеллик, яъни киришимлилиқдир. Бу журналистнинг қаҳрамони билан осон тил топиша олиши ва интервью жараёнида бир мақсад сари бирлаша олишларида муҳим ўрин тутди. Шу боис, журналист билими, салоҳиятм, очиқ чехралиги, чиройли

муомаласи билан суҳбатдошида таассурот уйғотиши зурар. Бунинг учун эса биринчи навбатда ўзи суҳбатдоши шахси билан қизиқиши муҳим. Чунки, интервьюда ҳар бир шахсга алоҳида қизиқиш билдира олмаган журналист яхши интервью тайёрлай олмайди. Бунинг учун у бошловчилик маҳоратига эга бўлиши керак. Бу нима дегани? Журналистдан бошловчи сифатида инсонлар руҳиятини яхши билиши, суҳбатдошнинг қизиқишлари ва хоҳиш истакларини ўрганиш талаб этилади. Айниқса, бунда қаҳрамоннинг нима учун интервью беришга розилик бўлгани сабабини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Суҳбатдош мавзуга қизиққани, машҳур бўлиш ниятида ёки бўлмаса, журналистга ишонгани учун интервью беришга рози бўлиши мумкин. Масаланинг мана шу жиҳатларини ҳам мулоҳаза қилиб кўриш зарур.

Журналист интервью ташкилотчиси, бошловчиси сифатида ўз интервьюсига қаҳрамонни қандай танлайди? Ўша танлаган қаҳрамонни жамоатчилик танийдими, у ахборот манбаси сифатида журналист хоҳлаётган маълумотларни бера оладими, танланган мавзуга неча фоиз аудитория қизиқади, журналист ўзаро мулоқотда суҳбатдошдан билим ва савия даражасида қанчалар паст ёки юқори, у гапираётган масалаларни ўрганганми? Ана шу ҳолатларга бир қарра назар ташлаб, бу талабларни ўрганиб олган бошловчи интервью орқали сифатли медиа маҳсулот ярата олади. Масалан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида кўпинча интервью суҳбатларни ташкил қилувчи журналист Гулчеҳра Умарованинг мисолида қуйидаги фикрларимизнинг ёрқин исботини кўришимиз мумкин. Унинг суҳбат ва интервьюлар учун танлаган қаҳрамонларининг аксарияти зиёли кишилардир. Гулчеҳра Умарова ёзадиган интервью ёки суҳбатларини қаҳрамонларининг фаолиятини кузатиш давомида тайёрлаб боради. Ва албатта интервью доирасида муаммо қўяди.

- Жумладан, 2015 йил 20 март, 12-сонида “Учрашув” рукнида “Кўнгил дури ичра гуҳар сўз эрур” сарлавҳали интервьюда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, педагогика фанлари номзоди Адиба Носирова фаолиятини кузатиб боради. Бу унинг қаҳрамонига берган

саволларида фикрнинг мавжудлигида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, Гулчеҳра Умарова А.Носированинг нотиклик санъати, айниқса сахна тилини яхши тушуниши, назария билан амалиётни мувофиқлаштира олишини таъкидлаб ўтади. Г.Умарова одатда интервьюга қаҳрамонни танлашда унинг касбига садоқати ва лаёқатини ҳисобга олади. Бу билан боғлиқ "Адиба опа, бир неча йиллардан буён бўлажак актёрлар тайёрлаш ишига ҳисса қўшиб келасиз." деган таъкидни савол бошида айтиб ўтади. Ушбу таъкидга нисбатан А.Носирова "Албатта, актёрлик соҳасига талабаликка қабул даврида бу масалаларга жиддий эътибор берилади"²⁴, - дея жавоб бериб, бу борада кейин жараён билан боғлиқ кафедра томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, Г.Умарова "ЎзАС" 2014 йил, 28 феврал, 9-сонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Қаюмов билан қилган интервьюсида "Тараннум" кўрсатуви ҳақида берган қуйидаги саволида ҳам унинг қаҳрамонини билиши, унинг фаолиятини кузатиб юриши кўринади:

- Шухратжон, кўрсатув давомида хонандалар билан савол-жавоб қиласиз, ижодга доир маслаҳатлар, йўлланмалар берасиз. Бунда, албатта, устозларингиз ўғитлари, ижодий тажрибангиз қўл келса керак? Шу билан бирга "Тараннум"дан ўзингиз учун ҳам нималарнидир оласизми?

- Талабалик пайтларимда Ориф Алимахсумов, Берта Давидова, Эргаш Йўлдошев, Саттор Ярашев, Асад Азимов каби устозларимдан кўп нарсани ўрганганман. Ижодимнинг маънавий-маърифий йўналишида, ижро маҳоратимнинг , шаклланишида Темур Маҳмудов, Салоҳиддин Тўхтасинов каби таниқли санъаткорларнинг хизмати катта. Улар билан бирга куйлашга, уларнинг назаридан ўтиш бахтига муяссар бўлганман. Устозларимизнинг барчаси камчиликларимизни юзимизга айтарди, танбеҳни ўз ўрнида берарди. Улардан ўрганганларимни кўрсатув жараёнига татбиқ этишга ҳаракат қиламан.²⁵

²⁴ "ЎзАС" //2015 йил 20 март, 12-сон.

²⁵ "ЎзАС" 2014 йил, 28 феврал, №9.

Журналистларнинг ахборот олиш ва уни излаб топиш жараёни ҳамиша энгил кечмаган. Шундай респондентлар борки, улар интервью у ёқда турсин журналистлар, масс-медиа вакилларига нисбатан салбий тасаввурда юрадилар, уларга ҳеч қандай маълумот бермайдилар. Улар интервью беришни ишташмайди, сабаби журналистларга ишонмайдилар, бироқ “Литературная газета”си мухбири Игорь Панин ўз қахрамонини ишончига лойиклигини исботлай олган маҳоратли журналист. Унинг 2014 йил, 12 март, 10 сониди «Адабиёт» саҳифаси, “Ёзувчи диктофон олдида”руқнида «Худо муддатини ўзи белгилайди» (Бог устанавливает свой срок) сарлавҳали интервьюси таниқли ёзувчи, 90 ёшга қираётгани билан ҳали ҳам ижод билан машғул бўлган Юрий Бондарёв (90 ёш) билан қилган интервьюсида буни исботини кўрамиз. Умуман, Игорь Панин интервьюларида ҳам қийинчилик борми деган савол туғилиши мумкин. Албатта бор. Биз буни айнан Юрий Бондарёв билан қилган интервьюсида кўришимиз мумкин. Ушбу интервьюдан қуйидаги парчани келтиришимиз мумкин:

– Юрий Васильевич, таваллуд кунингиз яқинлашмоқда. Аммо матбуот, умуман, ОАВ бу ҳақида кам гапиришяпти. Ахир сиз ҳар қандай бўрттиришлардан ҳоли афсонавий фигурасиз... Тенгқурингиз Даниил Гранин ҳамма жойда чиқиш қилиб, тез-тез ветеранлар номидан гапиряпти.

– Мен бундай қилишга ўзимни ноқулай сезаман. Бунинг устига ёшинг бир жойга бориб, Яратган ўзи белгилаган муддат изидан кузатиб турган бир пайтда ҳатто ўзингнинг ёзувчилик позициянгни ҳам жуда эҳтиёт бўлиб кўрсатишинг керак.

– Нима деб ўйлайсиз юбелейингиз нишонланадими?

–Худо билади. Бу ҳақида ҳеч нарса дея олмайман. Чунки ҳеч қачон юбилейни нишонлашга, байрам қилишга, алоҳида эътибор, куч, маблағ ажратмаганман.

– Охирги йилларда кўп нашриётлар орқали «Лаҳзалар» деб номланган произаик

миниатюраларингизни чоп эттиряпсиз. Йирикрок, мисол учун роман, қисса ёзмай қўйдингизми?

– Ёзишга киришган романларим агар айтиш мумкин бўлса ҳозир «дам олиш» ҳолатида. Шунинг учун мен бутунлай «Мгновения» - «Лаҳзалар» билан бандман. Айни пайтда мен учун ундан муҳимроқ нарса йўқ. Бу иш жиддийлиги ва кераклиги жиҳатидан ҳар қандай йирик романга кетадиган куч-қувватдан кам эмас. Унда уч бетда айтиладаган гап романда саккиз юз бетда айтиладиган гапнинг ўрнини босади. Бу жуда жиддий жанр. Бунинг устига ҳозир «кам ўқиш» эпидемияси муаммо бўлган. Катта ҳажмдаги асарларга ўқувчиларда талаб кам. Бу қайғули ҳам албатта.²⁶

Игорь Паниннинг адабиёт мавзусидаги интервьюларининг аксариятида шубҳали, аниқлаштирувчи ва провакацион саволлар бериш одати бор. Бу айниқса, газетанинг 2014 йил 19 февраль 7-сонда “Адабиёт” саҳифасида, “Ёзувчи диктофон олдида” рукнида берилган «Роман-газета» бош муҳаррири, ёзувчи Юрий Козлов билан қилинган «Мен мавзу танлашда бутунлай эркинман» (Я абсолютно свободен в выборе темы) сарлавҳали интервьюсида яққол сезилади. Игорь Панин суҳбатдошига шундай савол билан мурожаат қилади:

– Сиз ёзувчисиз, ёзувчининг ўғлисиз, ёзувчининг отасисиз, балки бобонгиз ҳам ёзувчи бўлганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Буни қандай ҳис этасиз?

– Ёзувчилик нима деган саволга Василий Розанов ажойиб тарзда жавоб берган, Унинг фикрича – “бу гадойлик, ташлаб кетилган хотинлар, бахтиқаро болалар, кибр, кибр, кибр...” Менда ёзувчиларнинг уч авлод вакиллари мисолида адабиётнинг умумдавлат ишидан индивидуал ва тижорий тизимга айланишини кузатиш учун катта имконият бўлди. Буни қандай ҳис қилиш жуда мураккаб.²⁷

Бундай ўзига хослик интервью жараёнига тайёргарлик, уни олиб боришда қаҳрамон салоҳиятига тенг бўлиш, уни кутилмаган саволлар билан жавоб беришга ундашни “Китоб дунёси” газетасидаги интервьюларида ҳам кузатиш

²⁶ “Литературная газета” // 2014 йил, 12 март, №10.

²⁷ “Литературная газета” //19.02.2014. №7.

мумкин. Айниқса, бу борада Гўзал Бегим Шухрат Сатторов ҳамда Жамолиддин Муслимларнинг муаллиф сифатида интервью жараёнига тайёргарлик кўришлари, қаҳрамон билан суҳбат юкини ҳис қилишлар, ўқувчининг қизиқишларини инобатга олишлари савол беришдаёқ сезилади. Мисолларга мурожаат этамиз. Масалан, биз таҳлилга тортган Гўзал Бегимнинг иккита интервьюси “Қалбдаги тумор” (2014 йил, 12 февраль 3-сон) ҳамда чувашиялик ёзувчи Валерий Петровский (2014 йил, 8 октябрь 19-сон) билан грузиялик шоир, таржимон Владимир Саришвили билан қилинган “Сўзимнинг қаноти”, Шухрат Сатторовнинг (2014 йил, 12 февраль 3-сон) таниқли бразилиялик ёзувчи Пауло Коэло билан қилган “Одам болалари адабиётсиз яшай олмайдилар!” Жамолиддин Муслимнинг (2014 йил, 11 июнь, 11-сон) ёзувчи Дадахон Нурий билан қилган “Оқшом кўшиқлари”дан “Ниқобсиз Америка...”гача сарлавҳали интервьюлари ана шундай интервьюлар сирасига киради.

Юқорида биз номлари келтирган ҳар уч газетада ташкил этилган интервьюлар муаллифлари Г.Умарова, И.Панин, Гўзал Бегим, Ш.Сатторов, Жамолиддин Муслимлар интервьюларида қаҳрамонлар шунчаки учрамайди. Уларни бошловчи сифатида интервьюга таклиф этишда, аввал аудитория учун қизиқ жихатлари, улар билан муҳокама қилинажак мавзу, воқеа, ҳодисалар концепцияси тўғри ишлаб чиқилган. Бу журналистларнинг бошқа интервью олган касбдошларидан фарқ қиладиган ўзига хос жихатларидан бири ҳар бир суҳбатдош билан самимий мулоқот қиладди. Баъзи ўринларда айтиш мумкинки, “Китоб дунёси” газетасининг тажрибасини ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, газетада нафақат мамлакатимиз, балки бошқа мамлакатларнинг ёзувчи, шоирлари билан қилинган интервьюлар ана шу самимиятнинг устунлиги, журналист-бошловчининг қизиқишлари, саволларнинг ўринли берганлиги туфайли ўзбек ўқувчисига хорижлик ёзувчилар ҳақида кенг ахборот, тасаввур ҳосил бўлади. Бу ўринда Шухрат Сатторовнинг интервьюсига яна бир бор мурожаат қилиш ўринли назаримизда. Шухрат Сатторов ёш бўлишига қарамай, унча-мунча маҳоратли журналист амалга ошира олмаган

қизиқарли интервьюни Пауло Коэлодай жаҳонга машҳур ёзувчи билан қила олган. Яна денг инглиз тилида. Жаҳоннинг турли ОАВ журналистларига интервью беравериб зада бўлган бу ёзувчидан интервью осон бўлмаганлигини муаллиф бошида таъкидлайди. Ҳатта унга машҳур ёзувчи бор-йўғи икки минут вақт ажратишини ҳам айтиб ўтган. Аммо журналистнинг ёзувчи ижодини яхши ўрганганлиги, кузатганлиги, қолаверса учрашув чоғида унга ва унинг ижодига ўзбек халқининг муносабатини тўғри етказа олганлиги туфайли унинг ўзи суҳбатлашишга қизиқиб қолади. Журналист интервью чоғидаги ёзувчи шахсига ёндашуви, саволларни ўринли берганлиги туфайли интервью муваффақиятли чиққан. Шухрат Сатторов ёзувчининг ижодини яхши ўрганганлигини қуйдаги саволдан ҳам билса бўлади. “Асарларингизда Сувга чуқур рамзий маънолар юклайсиз...”, табиийки, бу савол ёзувчи учн кутилмаган бўлиш билан бирга, уни ўйлашга мажбур қилади. Пауло Коэло ушбу саволга шундай жавоб беради.

- Эҳтимол, бу мен доимо дам олаётганимда ҳам, ёзаётганимда ҳам сув қаршисида турганим, ундан илҳомланганим боисдир. Сарҳадсиз Атлантика океанида жойлашган Копакабана қирғоқлари ижодимда муҳим ўрин тутати. Сув яралиш ва ҳаётнинг бош омили, шунинг учун уни рамзий образ тарзида талқин қилиш осон ва асосли...²⁸

Шухрат Сатторов ушбу интервьюда қаҳрамони билан очиқ ва эркин фикр алмашади. Чунки бошловчи ўз қаҳрамонининг ишончига эриша олади. Шу боис саволларнинг бирида ёзувчининг ўз асар қаҳрамонларига қанчалик ўхшаши ҳақида сўрайди ва қуйидаги жавобни олади:

- Уларнинг барчасида ўзимни тасвирлаганман. Менга ўхшамаган ягона қаҳрамоним бу – Алкимёгар. Боиси, Алкимёгар барча нарсани билади. Менинг эса ўрганишим лозим бўлган нарсаларим кўп. “Алкимёгар”даги чўпон образида ҳам ўзимни тасвирлаганман²⁹.

Биз таҳлилга торган интервьюларда журналистлар имкон қадар саволни фақат мавзудан келиб чиқиб, мавзу доирасида беришга, қаҳрамоннинг шахсий ҳаётига таллуқли саволлардан тийилишга ҳаракат қилади. Фақат “Литературная

²⁸ “Китоб дунёси” // 2014 йил, 12 февраль, 3-сон.

²⁹ Ўша манба

газета” мухбири Игорь Панин ҳамда “Китоб дунёси” газетасида Мاستон таҳаллуси билан ёзган журналист интервьюларида қаҳрамон ҳаётига тааллуқли шахсий саволлар берилади. Жумладан, Игорь Паниннинг (2014 йил 5 февраль, 5-сон) ёзувчи, танқидчи, публицист, шоир, прозаик, жамоат арбоби Владимир Бушин билан қилган «Менинг ўқувчиларим кам эмас...» («Читателей у меня немало...») сарлавҳали интервьюсида “ Сизни ўтган асрнинг одами сифатида жиддий қабул қилмасликларидан хафа бўлмайсизми?”ёки “Тапларингиз дўстларинг йўқ, деган тасаввурни уйғотади. Сиз доимо кимлар биландир «жанг» қиласиз?” сингари саволларни учратиш мумкин. “Китоб дунёси” газетасида Мастон таҳаллуси билан Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева билан қилинган (2015 йил, 14 январь 1-сон) “Асли ярим кўнглим менинг” сарлавҳали интервьюда сарлавҳанинг ўзидаёқ муаллифнинг қаҳрамон шахсий ҳаётига муносабатни сезиш мумкин. “Санъатда сизни қандай маслак бошқаради? Яъни, Насиба Абдуллаевани Шахс қилиб турган ақида нимада? деган савол орқали гарчанд унинг жамиятдаги, халқ орасидаги мавқеёига аниқлик киритиш мақсади ётса-да, аммо унинг аввало аёл эканлиги, дардлари олдида у ҳам ожизлигини очишга интилиш сезилиб туради.

Умуман, биз ўрганган аксарият интервьюларда журналистлар бошловчи сифатида қаҳрамонлари руҳияти, кайфияти, ҳолати, дунёқараши, муносабатларини, уларини ўйлантираётган муаммо ва масалалар хусусида суҳбатлашишга ҳаракат қилишган. Ҳар бир интервьюда қаҳрамонларга индивидуал ёндашилган, муҳими интервьюларда суҳбатдошларнинг ички дунёсини, инсон ва жамият, тириклик ва турмуш, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги шахсий қарашлари, турли воситалар орқали очиб берилади.

2.3. Интервьюда журналист позицияси

Биз юқоридаги фаслларда интервьюнинг самарали чиқишида журналист ҳамда суҳбатдошнинг имкониятлари, улар томонидан интервьюга тайёргарлик жараёнлари, савол -жавоб қонуниятлари, қаҳрамон шахсининг етакчи хусусиятлари, уни очиб беришда ва шу орқали ўқувчига янги маълумот

етказишда журналистнинг психологик тайёрлиги ва мавжуд имкониятларига тўхталиб ўтдик. Аммо юқорида қайд этилган жиҳатларга жиддий амал қилинса, интервью тайёр бўлар экан, деган хулосага келишимизга ҳали вақт бор.

Интервьюга тайёргарлик деганда, кўпроқ унинг фақат ташкилий жиҳатларига жиддий аҳамият берилади. Мавзу танлаш, унинг концепциясини ишлаб чиқиш, қаҳрамон топиш, саволларни тузиш, интервью олишга жой, шароит яратиш ва ҳ.з. Мана шу жараёнлар амалга оширилгандан кейин интервью тайёр бўладими? Йўқ албатта, интервью тайёрлашнинг энг машаққатли жараёни энди бошланади. Яъни, интервью матнини ёзиш, у респондент билан суҳбатлашишдан кўра, савол тузишдан ҳам кўра қийинроқ.

Интервьюнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг матнида муаллифнинг эмас, суҳбатдошнинг нуқтаи назари етакчилик қилади. Бу эса интервьюда журналистнинг овози эшитилмаслигидан далолат беради. Чунки биринчидан, интервьюни боришининг ўзи журналист томонидан (интервьюнинг тузилиши, мазмуни муаллифнинг қатъий кўрсатмаларга вазифаларига қараб белдиганади) йўналтирилади. Иккинчидан, интервьюда муҳокама қилинаётган мавзу доирасида суҳбатдошнинг нуқтаи назари, карашлари, тахминлари билан (баъзан бевосита, баъзан билвосита) ва журналистнинг ёндашуви мос келмай қолиши мумкин. Интервьюда журналист маҳорати шу билан белгиланадики, аудитория журналист билан суҳбатдошнинг карашларининг мос келишини аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Интервьюнинг бир неча шакллари бўлишига қарамай, бу ранг-баранглик мавжудлиги нуқтаи назардан икки муҳим вазифани бажаришга боғлиқ бўлади. Булар муҳокама қилинаётган масала юзасидан суҳбатдошнинг нуқтаи назарини, карашини аниқлаш ҳамда суҳбатдош ҳақида ҳикоя қилиш орқали унинг психологик портретини яратишдир. Шу маънода интервьюнинг жанр сифатидаги муҳим белгиси баён этишни субъективлаштиришдир. Интервью матни асосида суҳбатдош айтганлари, гапирувчи фикрлашининг ўзига хослигини кўрсатувчи жонли нутқидир. Ана шу ўзига хосликни илиб олиш ва

қайд қилиш журналист учун муҳим ҳисобланади. Сухбатдошнинг гаплари ҳозиргина бўлган ҳодисага нисбатан тезкор муносабат сифатида (экспресс-интервью, микроинтервью) қайд этилиши ҳам мумкин. Аммо шу билан бирга олдиндан шакллантирилган ва сухбатдошга берилган саволлар асосига қурилган тўнкарилган монолог ҳам бўлиши мумкин. Бу яна икки томонни бирдай ташвишга солган ҳодиса, сухбат иштирокчиларининг вазиятлар ҳақида тенг ҳуқуқда иштирокларини ўзида ифода этган диалог-сухбат бўлиши ҳам мумкин. Биз интервьюларни ўрганган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда “Литературная газета”ларида чоп этилган интервьюлар муаллифлари ижодини ўрганганда, монолог-интервьюларни деярли учратмадик. Ушбу газеталардаги интервьюлар диалог характериға эға. Аксарият интервьюларда журналистлар мўлжални интервьюнинг боришини акс эттирувчи якуний матнга ва материални адабий-бадий жихатдан тўғри ташкиллаштиришға ҳаракат қилишади.

Интервью матни кўп ҳолларда (бўлиб ўтган) воқеа-ҳодиса хусусида шарҳнинг ўзига хос кўринишини намоён этади. Унда фақат фактлар эмас, балки унга бўлган муносабатлар ҳам муҳим. Энг асосийси, интервьюда ўқувчидан ўз ҳаётиға нисбатан жавобгар бўлиши, ахлоқий меъёрлар талабларини ҳисобға олишини, ҳар бир сухбатдошнинг ўзига унинг ички дунёсини ҳисобға олишни талаб этади.

Аудиториянинг интервьюдан нимани кутиши ҳақидаги умумий тасаввурнинг ўзи етарли эмас. Доимий тарзда газета ўқувчиси қизиқишлар билан ҳисоблашиш, зарур бўлса улар ҳақида қайғуриш, мувафакқиятлар гарови ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, журналист сухбатдош билан нафақат журналист сифатида, балки аудитория вакили сифатида мулоқотға киришади. Саволлар аудиториянинг ҳам кўнглидан ўтган саволлар бўлиши, бир сўз билан айтганда умумхарактерға эға бўлиши лозим.

Газетада чоп этилган қизиқарли интервью, кўпинча аслида шундай бўлган деган тасаввурни беради. Одатда ҳамма интервьюлар ҳам жараёнда қизиқ

кечавермайди. Баъзилари ўта зерикарли, баъзилари узундан-узоқ ёки жуда қисқа, баъзилари қовушмаган, маънисиз бўлиши ҳам мумкин. Журналист ана шу турли вазиятдаги, кайфиятдаги суҳбатни қандай бўлса шундай берса, интервью жанрининг мавқеиға бутур етиши мумкин. Бу билан интервьюда бошқа гап гапирилади, ёзишда бошқа нарсa ёзилади, деган хлосага келмаслик керак. Газета ва журналларда чоп этиладиган интервьюлар аудиторияга қандай таъсир кўрсатиши журналист томонидан интервьюнинг ёзилишига, тил имкониятларидан фойдаланишига, ўзига хос услубга эга бўлишига, маҳорат масалаларига боғлиқдир.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “ЛГ” ҳамда “Китоб дунёси” газетасида чоп этилган интервьюларни таҳлил қилар эканмиз, аввало бир муҳим жиҳатни таъкидлашни хоҳлар эдик, у ҳам бўлса аксарият, айниқса катта иш тажрибага эга журналистларнинг ушбу масалада ўз позициялари борлигидир. Айниқса, бу борада Г.Умарова, Ш.Сатторов, Гўзал Бегим, Жамолiddин Муслим, И.Панин, В.Шемшученко ижодий имкониятлари анча кенг. Шуларнинг ичида “Китоб дунёси” газетасида Жамолiddин Муслимнинг ёзувчи Дадахон Нурий билан қилган интервьюсида муаллиф сифатида унинг позицияси яққол намоён бўлади. Ушбу интервьюга тўхталиб ўтамиз. Гарчанд муаллиф биринчи саволни оддий берган, шунчаки суҳбатдошини “машқ қилдирган” бўлса-да, иккинчи саволни жиддий қўяди ва бу билан суҳбатдошининг қарашларини бир нуқтага қарата олади.

- Яъни, ўсмирлик ҳаётидан олиб ёзилган илк “Оқшом қўшиқлари” номли лирик қиссангизни ўша даврнинг навқирон авлоди бўлган адабиёт мухлислари ҳали ҳам эслаб туришади. Ҳатто Рауф Парфи “Ёзмалар”ида “Олтмиш учинчи йилларнинг қиш-қировли кунларидан бирида “Оқшом қўшиқларини ўқиб, бағримизга баҳор шабадалари уфургандек қувонгандик”, деган экан. Ўша асарингиз ҳақида ҳозир фикрингиз қандай?

- Ўта салбий. “Оқшом қўшиқлари”нинг сақланиб қолган ягона нусхасини қўлимга олиб, кўз югиртирсам, уялиб кетаман. У даврларда тасаввуримиз шу

кадар жўн эканми ёки ишқий асарларга ташналик сезилганми, ҳар ҳолда шу киссадан кейинги “Боғларда баҳор” ҳам ўта сийқа ёзилганига ўхшаб кўринади, назаримда.³⁰ Муаллиф жавобдан қониқмайди. Яъни, Дадахон Нурийнинг эътирозини шунчаки қабул қилиб қўя қолмайди. Бу жавоб унинг учун “кўнгил тўлади” ёки “тўлмайди” деган оддий жавобдек туюлади. Шунинг учун кейинги саволини қисқа қилиб, “Бегона-чи?” деб сўрайди. Шу биргина сўзнинг ўзи суҳбатдошда “бу йигит, менинг ҳар бир асаримдан хабардор шекилли” деган фикрни уйғотиши мумкин. Дадахон Нурий шундай жавоб беради:

- Шунини Абдулла Қаҳҳордай каттиққўл одам ўқиб кўриб, “Дуруст. Чақалок туғилибди, энди уни ювиб-тараб, йўргаклаймиз”, деганидан сўнг, менда ёзишни давом эттиришга ишонч уйғонган.

- Аввал иккиланармидингиз?³¹

Жамолитдин Муслимининг ёзувчи Дадахон Нурий билан қилган интервьюси жуда қизиқарли чиқиш билан бирга, унинг шахси билан боғлиқ янги маълумотлардан ўқувчиларни бохабар қилади. Назаримизда, ёзувчининг расм чизиши, Ҳиндистон бош вазирига портретини совға қилганлиги, мусиқага қизиқиши билан боғлиқ фактлар кўпчиликка янгилик бўлган бўлса керак. Бу муаллифнинг интервью жараёнини тўғри бошқаришида ва ўз позициясида собит турганининг ҳосиласидир. Интервью матни катта, шунга қарамай ўқувчини ўзига тортади. Одатда яхши интервьюлар енгил савол билан тугалланади. Бу интервьюда шунини кузатиш мумкин. Яъни, журналист суҳбатдошидан “Ҳозир ҳам суратлар чизиб, мусиқа билан шуғилланиб турасизми?” деб сўрайди. Бу билан у суҳбатдоши агар жиддий ўтирган бўлса, уни эркинлигини таъминлаш, шу орқали илиқ кайфиятни пайдо қилиб жараёнга яқун ясаган.

Амалий журналистикада, аниқроғи газеталарда чоп этилган интервьюларда журналист ўқувчига таъсир этиши учун қизиқарли саволларга ва жавобларга катта эътибор қаратади. Энг яхши таъсир қилиш усули суҳбатдошларнинг табиий ва самимийлигида деган қараш устивордай, назаримизда. Чунки на

³⁰ “Китоб дунёси” //2014 йил, 11 июнь, 11-сон.

³¹ Ўша манба.

саволнинг мураккаблиги ва на жавобнинг ўта узунлиги муҳим эмас, асосий масала суҳбат жараёнида кўтарилган мавзу ва интервью иштирокчиларининг у билан боғлиқ қарашлари орасидаги мувозанатнинг бир-бирига мос келиши ифодасига қаратилади. Буни Шухрат Сатторов билан Пауло Коэло интервьюсида кузатиш мумкин.

- Шарқ мутафаккири Жалолиддин Румийнинг

Нарса йўқим, хорижий олам эрур,

Ҳар не истарсан – ўзингда жам эрур, сингари Ўзликни топиш ва барча ҳикмат ва хазиналар шу Ўзликда мужассам бўлишини таъкидловчи сатрларни олис Бразилия заминида улғайган адибнинг романий тафаккурида бир неча асрлардан кейин такрорлангандек гўё?

- Лотин Америкасида “бразилиялик Румий” деган лақлабим борлигини менга кўп айтишган. Балки буни биларсиз. Бундан фахрланаман. Шарқ адабиётига келсак, очиғи чуқур таниш эмасман. Аммо шарқона фалсафадаги неқбинлик менга бегона ҳам эмас. Ижодий такрор ҳақидаги гапингиз эса нотўғри буни таъсирланиш, илҳомланиш десак тўғри бўлади. Румийни кўп ўқийман, ундан кўп нарса топаман. Ҳар бир ёзувчида ҳаракат бўлиши керак. Ҳеч бўлмаганда зоҳиран.³²

Ушбу суҳбатдан парча келтириш орқали журналист ва интервью берувчи ўртасида кечган маърифий мулоқотининг ижтимоий юки катта бўлганлиги боис ҳам аудиторияга кўрсатадиган таъсири кучли чиққан. Пауло Коэло саволларга жавоб бериш асносида ўзининг ички “мен”ини намоён қила олган. Юрагининг тубидагини тилига чиқара олган.

Интервьюнинг таъсирчанлигини ошириш учун журналист жуда кўп усуллардан фойдаланади. Бу саволлардан фойдаланишда журналист позициясида ҳам кўринади. Мисол учун Шухрат Сатторов, Жамоллиддин Муслим, Гўзал Бегим, Гулчехра Умарова, Игорь Панин сингари муаллифлар томонидан олиб борилган интервьюларнинг саволларида маърифийлик хусусияти устивор бўлиб, савол беришда турли рамзлар, иқтибослар,

³² “Китоб дунёси”// 2014 йил, 12 февраль 3-сон.

манбаларга таянилади. Шу билан бирга савол бериш орқали журналист ўзини кийнаб юрган фикр ёки ўзиги иккилантирган масалага ойдинлик киритиш олади. Шунингдек уларнинг саволларида реал воқелик билан ҳисоблашиши, ўртага ташланган муаммо атрофидаги мулоҳазалар ҳам шу маконда, шу шахсга алоқадор бўлган масалалар атрофида кечади. Уларнинг интервьюлари жонлилиги билан ўқувчига кучли таъсир этади ва хотирасида сақланиб қолади.

Шу ўринда биз таҳлилга тортган газеталардаги интервьюлар тили ифодасида ўзига хослик борлиқни кузатдик. Масалан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида услуб раво, гаплар, жумлалар тўғри тузилган бўлса-да, матнни тақдим қилишда расмийчилик устивор. Гарчанд интервьюлар оддий, норасмий вазиятда ўтган бўлса ҳам, уни тақдим этилиши биринчи галда адабий тил меъёрлари талабларига амал қилинганлиги учун расмийлик бўртганга ўхшаб кўринади. “Китоб дунёси” газетаси эса “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига нисбатан анча эркин, суҳбатдошлар қизиқарли шахслар, матн ўқишли бўлгани билан услубий хатоларга қўл қўйилади. Баъзан турли шахслар билан бўлган интервьюларда такрор саволлар учрайди. Буни Гўзал Бегимнинг интервьюларида кузатиш мумкин. “Литературная газета”сида чоп этилган интервьюлар кўрган нашрларимиз ичида энг ўқишли, қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Ундаги интервьюлар ҳақиқий маънода жанр талабларига жавоб беради. Айниқса, газетада энг кўп Игорь Паниннинг интервьюлари ўрин олган. Унинг ўн бешга яқин интервьюларини таҳлил қилиб, унинг журналист сифатида маҳоратли эканлигига гувоҳ бўлдик. Игорь Панин ҳар қандай суҳбатдошини гапиртира олади. Бирорта интервью йўқки, у суҳбатдоши шахси ҳақида кам билса, ҳаммасида суҳбатдоши ҳақида атрофлича ахборотга эгалиги билан суҳбатни ниҳоятда жонли олиб боришга эришади. Унинг “Адабиёт”саҳифасида “Ёзувчи диктофон олдида” рукнида танқидчи, адабиётшунос, публицист Владимир Бондаренко билан қилган (“ЛГ” 2014 йил, 9 июль, №27) «Адабий жараён – чуқур оқимдаги дарё» («Литпроцесс – река с

глубинным течением») сарлавҳали интервьюсида берилган саволларга эътибор қаратамиз:

– Одатда сизга консерватор-танқидчи сифатида қарашади. Айтишларича, Бондаренко агар фақат эски муаллифларнинг асарларини таҳлил қилади, унинг учун ёшлардан Шаргунов ва Прилепин бошқаси мавжуд эмас эмиш.

- Аслида ҳам мен бошида ўзимни консерватор танқидчилар қаторида ҳис қилганман. Ваҳоланки, бизнинг насрдаги, назмдаги даҳоларимиз ҳам ўзларини либерал ҳисобламаганлар. Лермонтов ҳам, Блок ҳам, ҳатто Бродский ҳам. Мана шу муносиб қаторда мен ўзимни жуда қулай ҳис қиламан. Шунингдек, танқидда ўзимни уялмасдан Константин Леонтьев, Михаил Меншиков, Василий Розанов, Михаил Лобанов, Вадим Кожинлар анаъаналарини давом эттираётган киши сифатида ҳис қиламан.

– Албатта, ўзингизни хоҳлаганча сиз йўқ деб ҳисоблаётган иккита лагери: либерал ва консерваторларни яқинлаштиргача ҳаракат қиладиган эзгулик яратувчиси, деб ҳисоблашингиз мумкин, аммо гап мавжуд реаллик ҳақида кетяпти. Реал ҳаётда сизни либералларнинг қоронғу мақсадларини унутмаган ҳолда улар билан ўйнайдиган консерватор танқидчи сифатида қабул қилишади.

– Яна сизнинг фикрингизга қўшиламан, Игорь. Мен ўзимнинг муносабатимни ҳеч қачон яширмаганман. Ҳамма қора рўйхатларда борман. Ёшлигимдан ўз эътиқодим ва фикримни ўзгартирмаганман. Аммо либераллар билан ҳеч қачон ўйнашмаганман. Эсимда, ҳали шўролар даврида бир машҳур ватанпарвар ёзувчи мендан сен қандай қилиб бир пайтнинг ўзида Виктор Астафьев ва Владимир Маканинни мақташинг мумкин, деб сўраганди.

– Шу ерда савол туғилади: замонавий адабиёт жараён нима ўзи? У мавжудми? Ёки фақат ўқувчининг тасаввурларида борми? Унинг қалби содда, ўйлайдики, ҳозирги лауреатлар ҳар доим катта-катта мукофотлар

олишади ва улар рус адабиётининг гуллари деб ўйлашади. Илич даврининг бирорта китобини ўқимагандан кейин билмайди-да.

–Аммо адабиёт амалдорлари адабиётнинг ўзи билан эмас, турли хил бизнес-лойиҳалари билан бандлигини биз кўриб турибмиз. Гарчанд маънавият ҳақида гапирсаларда, ўзлари ҳали турли йиғинлар столидан узоқлашмай туриб, ёзувчининг мулкани ҳисобини қилишади.

– Ўзингиз ҳам кўп ватанпарварлар билан урушасиз. Мисол учун «Россия ёзувчиси» сайтида доимо сизни ҳали «сотқин»ликда айблашади, ҳали «оғмачилик»да.

– Нимага «День литературы» - («Адабиётлар куни») газетасига асос солингандан унинг бош муҳаррири бўла туриб, охирги пайтларда кўринмай қолдингиз? Эсингиздами, жуда кучли нашр эди. Ҳозир эса борган сари у ҳақида кам гапириляпти, интернетда ҳам унга иловалар кам. Сиз китоб ёзиш билан бандмисиз?

Бу саволлардан кўринадикки журналист нафақат суҳбатдоши ижоди билан балки, адабий жамоатчиликнинг унга бўлган муносабатидан ҳам яхшиган хабардор. Шу нуқтаи назардан ушбу интервьюда журналистнинг мақсади савол атрофида кўпчилиكنи қизиқтирган масала билан боғлиқ фикрларга ойдинлик киритиш, умумнинг эътирофини эслатиш ва шу орқали масалага суҳбатдошнинг шахсий муносабатини билишдир. Бизнинг назаримизда журналист олдида қўйган мақсадига эриша олган.

Аслида фикрлар тўқнашуви, эътирозлар ва эътирофлар оқибатида журналист ва унинг қаҳрамони ўртасида фикрий яқинлик юзага келади. Бунга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди.. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, интервью қонуниятига кўра журналист суҳбатдошининг қандай савол кутишини ёки қандай жавоб беришини исташини билиш билан бирга, ўзи ҳам суҳбатдошидан

нима иштайди, қандай тарзда жавоб беришини аниқ билиб олиши мақсадга мувофиқдир.

Бобга хулоса қилиш асносида интервьюнинг самарали чиқиши журналистика назариясида қабул қилинган интервью қонуниятларига кўп жиҳатдан боғлиқлигини кўриб ўтдик.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда “Литературная газета”ларда чоп этилган интервьюлар шаклан бир-бирига яқин ва шу билан бирга ўзига хослигини аниқладик. Ҳар уч нашрда интервьюни тайёрлашда газеталарнинг ўз шакли ва тақдим этиш усуллари борлигига гувоҳ бўлдик. Шу билан бирга интервью муаллифларининг кўплари ўзининг журналист сифатидаги ўрни ва позициясини эгадир. Интервью жараёнида журналист ва суҳбатдош, тенг мулоқотга киришган ҳолда фикр алмашади, аудиторияга ахборот етказди. Бу ўринда гарчанд интерактивликка эришилган бўлса ҳам, уни таъминлашда масъулият кўпроқ журналистнинг зиммасига тушади. Шунингдек, суҳбатдошга нисбатан журналист имкониятларининг ортиқлиги ҳам уларнинг савол беришида кўзга ташланади. Саволнинг пухта ўйланган, салмоқли, ўринли эканлиги суҳбатдошни гапиришга, саволга жавоб қайтаришга ундайди ҳамда журналистнинг интервьюни бошқарувчи сифатидаги функциясини тўлиб бажаришга имкон яратади. Зеро, интервьюнинг мазмунли чиқиши кўп жиҳатдан журналистнинг бошқарув пултини қандай тутганига боғлиқ. Шунингдек интервьюларнинг қаҳрамонлари тасодифан учрамайди. Уларнинг ҳар бирини жамиятда ўз ўрнига, жамоатчилик эътирофига, муайян ҳаётий позициясига эга бўлган билимдон, дунёқараши кенг, дид маданияти юқори, бир сўз билан айтганда ҳақиқий зиёлилардир. Интервьюларнинг ҳар бирида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маданий, маънавий-маърифий жараёнларига оид муҳим масалалар муҳокама қилинади. Шу орқали ҳаёт ҳақиқатига ойдинлик киритилади.

ХУЛОСА

Кишилик жамиятининг асосини коммуникациялар ташкил этади. Шунан назардан биз ҳаётимизни ўзаро алоқаларсиз, мулоқотларсиз тасаввур эта олмаймиз. Аслида ҳам ижтимоий ҳаракат асосида инсонларнинг бир – бирлари билан алоқадорлиги ётади ва унинг замирида муайян ҳаракатлар юзага келади. Яъни, инсон ҳаракатининг ўзи ижтимоий birlikдир. Бирлик эса инсоннинг ҳаракати, унинг мулоқотиدير.

Жамиятдаги ҳар қандай коммуникация жараёнлари мулоқотлардан иборат. Яъни, инсоний мулоқот бор экан, унда ижтимоийлик жиҳатларнинг у ёки бу кўриниши мавжуд бўлади. Демак, айнан мулоқотнинг сайқалланган, аниқ бир тизимга солинган шакли интервьюдир. Журналистнинг муайян мақсадда, аниқ бир мавзуга бағишланган интервью жамиятдаги турли хил масалаларга ойдинлик киритишда, маълумотларни олишда ва шахс сифатида суҳбатдошнинг фикрлари, шахсий мулоҳазалари орқали ҳаёт ҳақиқатини аниқлашга хизмат қилади.

Жамиятда ахборот тарқатиш функциясини бажараётган журналист интервьюга жиддий ҳозирлик кўриши, турли ҳолатлар ва вазиятларга тайёр туриши, интервьюга танланган қаҳрамонни ўрганишда ҳуқуқий ва психологик муаммоларга дуч келар экан ўз тажриба ва малакасини мунтазам бойитиб бориши зарур.

Ахборот олиш ва тарқатиш уни тезкор тарзда аудиторияга етказиш суҳбатдош билан мулоқот маҳорати, томонларнинг масъулияти, журналистдан киришимли, қизиқувчан ва изланувчан бўлишни тақозо этади. Шундай экан, мулоқот ва журналистнинг интервьюга жиддий психологик тайёргарлик билан келиши, суҳбатдошни ўрганишда индивидуаллик, ижтимоий қатламлардан, жамиятда юз бераётган воқеалар ривожидан бохабар бўлиши шу ўринда жуда муҳимдир. Ушбу тадқиқот иши учун танланган объектлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда Россия Федерациясининг “Литературная газета”лари фаолияти мисолида

мавзуни имкон қадар таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шу кичик тадқиқотимиз жараёнида ушбу газеталарда 2014-2015 йилларда чоп этилган 40 дан зиёд интервьюни кўриб чиқдик ва қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, уччала нашр ҳам ижтимоий ҳаётнинг маданият ва санъат соҳасига ихтисослашган бўлиб, асосий эътибор мамлакатларда маданият, санъат соҳасидаги бўлган янгиликлар ёритилади. Уччала газеталар ичида “Китоб дунёси” ҳамда “Литературная газета”ларида чоп этилган интервьюларда кўпроқ адабиёт мавзуси устиворлик қилади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси эса санъатнинг бошқа турлари, айтилик кино, мусиқа, қўшиқчилик, театр, телекўрсатувлар ҳақида ҳам интервьюлар берилган. Интервьюларнинг аксарияти жанр талабларига жавоб беради. Интервьюда иштирок этаётган томонларнинг мавзу юзасидан тайёргарликлари ва жиддий ёндашувлар борлиги аниқланди.

Иккинчидан, бу нашрларнинг айримларида, масалан Россия Федерациясининг “Литературная газета”сидаги интервьюлар белгиланган режа асосида олиниб, унда кимлардан интервью олиниши тартиби кўрсатилади. “Китоб дунёси” газетасида ҳам асосан ёзувчи, шоир ва адабиётшунослардан интервьюлар олинади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эса турли касбдаги, соҳадаги одамларга мурожаат этилади. Ҳар уччала газетада ҳам интервью қаҳрамонлари тасодифан учрамайди. Уларнинг ҳар бирини жамиятда ўз ўрнига, жамоатчилик эътирофига, муайян ҳаётий позициясига эга бўлган билимдон, дунёқараши кенг, диди, маданияти юқори, бир сўз билан айтганда ҳақиқий зиёлилилардир.

Учинчидан, интервьюларда объект кенг ва атрофлича ўрганилади. Журналистнинг интервью жараёнига тайёргарлик кўрганлиги сезилади. Саволнинг пухта ўйланганлиги, салмоқли, ўринли эканлиги суҳбатдошни саволга жавоб қайтаришга ундайди ҳамда журналистнинг интервьюни бошқарувчи сифатидаги функциясини тўлиб бажаришга имкон яратади.

Суҳбатдошга нисбатан журналист имкониятларининг ортиқлиги ҳам унинг савол беришида кўзга ташланади. Бироқ айрим интервьюларда савол-жавоб муносабати сезилмайди. Масалан, “ЎзАС” газетаси ходими Г.Умарованинг Адиба Носирова қилган интервьюда саволлар билан жавоблар бир-бирига мос келмайди.

Тўртинчидан, ҳамма интервьюларда ҳам (Ш.Сатторов, Жамолиддин Муслим ҳамда Игорь Панин интервьюларида) савол-жавоб қонуният эмас, баъзан интервьюлар фақат фикр алмашишдан иборат ҳам бўлиб қолган. Айрим ўринларда эса журналистнинг саволни бирданига танқидий мулоҳазалардан бошлаши, ўзининг билимини кўз-кўз қилаётгандай тасаввур ҳам уйғотади.

Бешинчидан, интервьюда интерактивлик мавжуд бўлиб, бу жараёнида ҳар иккала томон, тенг мулоқотга киришган ҳолда фикр алмашади, аудиторияга ахборот етказилади. Аммо ҳамма интервьюлар ҳақида ҳам шундай деб бўлмайди. Айрим суҳбатларда журналист қаҳрамонининг фикрларини маъқуллашдан нарига ўтолмайди. Агар интерактивликка эришилган бўлса ҳам, уни таъминлашда масъулият кўпроқ журналистнинг зиммасига тушади. Аслида ҳам интерактив мулоқотнинг мазмунли чиқиши кўп жиҳатдан журналистнинг бошқарув пултини қандай тутганига боғлиқ.

Олтинчидан, журналистларнинг тил имкониятлари, таҳрир масалаларига жиддий эътибор берилади. Шунингдек, журналистларнинг бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос услуби бор. Буни биргина журналист берадиган саволларнинг ичида фикрнинг устиворлик қилишида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ҳамда Россия Федерациясида чоп этиладиган “Литературная газета” лардаги интервьюларни тадқиқ этиш ва олиб борилган муайян таҳлиллар қуйидаги таклифларни ўртага ташлашни тақозо этади:

- Журналистика соҳасида тажрибали, маҳоратли журналистлар билан бирга ўзига хос услуби билан кириб келаётган журналистлар ижодини ўрганишга ҳам эътиборни янада кучайтириш зарур;

- Улар тайёрлаган интервьюларнинг мавзулари доирасини кенгайтириш, ракурсни кенгроқ олиш керак. Газеталардаги ижодкорларнинг интеллектуал имконияти бунга изн беради;
- Ушбу нашрлардаги интервью жанрини ўрганиш орқали ижодкорлар келгусида интервьюларида фотосуратлардан кенгроқ фойдаланиш, унинг янада жонли чиқишини таъминлайди;
- Саволларга қисқа ва аниқликни олиб кириш, айрим саволларда мавҳумлик ҳолатлари учрайди, бу табиий равишда суҳбатдошга қийинчилик туғдиради;
- Суҳбат жараёнида имкон қадар шаблон саволлардан қочиш зарур;

Мавзуни ўрганиш ва таҳлиллар жараёнида интервью жанри имкониятларининг кенглиги ва бугунги кунда улардан фойдаланишнинг усул ва воситалари борган сари ривожланаётганлигига амин бўлдик. Шу билан бирга журналистларнинг интервью жанрида муаллиф сифатида коммуникатив имкониятлари бошқа жанрларга нисбатан кўплиги ва чуқур мазмунга эгалиги билан ажралиб туриши, унинг ўқувчилар орасида нуфузи, мавқени белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга интерактив-коммуникатив мулоқотнинг асосий талаби суҳбатдош билан тўғридан-тўғри, бевосита мулоқотга киришиш орқали аудиторияга ахборот, янгилик етказишни назарда тутиши асосий қоида сифтаида белгиланганига қарамасдан, ўзаро коммуникациянинг самарали ташкил этилишида фикрий яқинлик, мавзуга, муаммога ойдинлик киритишда томонларнинг шахсий фаоллиги ҳам катта рол ўйнайди.

Зеро, замонавий матбуот нашрларида, хусусан, юқорида тадқиқ этилган ва номлари қайд қилинган газеталарда чоп этилган интервьюларда коммуникатив жараёнлар ҳам ана шу мезонларга асосланишини кўрсатиш орқали интервью жанрининг матбуотдаги ўрни ва аҳамияти, унда журналистнинг интироқини

бугунга шароитда нечоғлик эканлигига ойдинлик киритиш мазкур БМИнинг асосий вазифаси эди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

I. Президент асарлари.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

2. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Ўзбекистон матботи, 2014 йил, 5-сон.

II. Махсус адабиётлар.

1. Аграновский В. Беседа о журналистике. –М., 1994
2. Бахтин М.М. Проблема творчества Достоевского. М., 1994.
3. Каримова В. Ижтимоий психология дарслик. – Тошкент.: ТДИУ босмахонаси, 2012.
4. Ким М.Н. Технология создания журналистского произведения. СПб.: Изд-во Михайлова В.А, 2001.
5. Кузин В. Психологическая культура журналиста. Уч. пособие. -СПб., 2001.
6. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста - М.: «Аспект Пресс», 2001
7. Лукина М. Интервью технология. – Москва. 2005.
8. Лукина М.М. Технология работа с интервью. – Москва., 2003.
9. Мельник Г.С. Общение в журналистике: секреты мастерства. СПб., 2006.
10. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. -СПб.: Питер, 2006.
11. Пронина Е. Психология журналистского творчества. - Москва.-2002.
12. Профессионал маҳорат сари тўрт кадам. Ўқув қўлланма.- Тошкент. 2002
13. Рэндалл Д. Универсальный журналист. – Алматы. Центральноазиатская Школа Молодых Журналистов. – 1996.
14. Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Тошкент.: Гафур Ғулом, 2008.
15. Тертычный А.А. Жанры периодической печати: Учебное пособие. - М.: Аспект Пресс, 2000.
16. Тошпўлатова Н.Қ. Журналистика психологияси. – Тошкент. 2013.
17. Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қоидаси. – Тошкент., 2002.
18. Худойкулов. М. Журналистика ва Публицистика. Тошкент. 2011.

- 19.Шостак М.И. Журналист и его произведение . – Москва. 1998.
- 20.Эрназаров. Қ.Т.,Маматова. Ё., Тошалиев.Э. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т., 2002.
- 21.Шарков Ф. Основы теории коммуникации. [www. iub.at.ua](http://www.iub.at.ua)

III. Даврий нашрлар.

1. “Китоб дунёси”// 11.02.2015 № 3.
2. “Китоб дунёси”// 11.07.2014 № 11.
3. “Китоб дунёси”// 12.02.2014.№ 3
4. “Китоб дунёси”// 14. 01.2015 № 1.
5. “Китоб дунёси”// 2014 йил, 8 октябрь 19-сон
6. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” //20.03 2015. №2.
7. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” // 7.03. 2014. №10.
8. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 3.01.2014. №1.
9. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 27. 03.2015. №13.
- 10.“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 28.02.2014. №9.
- 11.“Литературная газета”// 02. 04. 2014 г. № 3
- 12.“Литературная газета” 20.03.2015.№ 12.
13. “Литературная газета” // 5.04. 2014, №5.
- 14.“Литературная газета”// 12.03.2014. №10.
- 15.“Литературная газета” //19.02.2014. №7.
- 16.“Литературная газета”// 9. 07.2014. №27.